

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 1/2024

Тошкент – 2024

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-хуқуқий журнал

<p><b>Бош мухаррир:</b> <b>Олимжон АХМЕДОВ</b></p> <p><b>Жамоатчилик Кенгаси таркиби:</b> <b>Нуриддин НОРМАТОВ</b> <b>Азизбек ИКРАМОВ</b> <b>Баҳодир МАТЛЮБОВ</b> <b>Умидбек НУРУЛЛАЕВ</b></p> <p><b>Ҳайъат аъзолари:</b> <b>Улугбек РАСУЛЕВ</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Нуъмон АЗИЗОВ</b> <b>Фарҳод ХАТАМОВ</b> <b>Музаффар ТОЖИБОЕВ</b> <b>Рустам ТУЛЬТЕЕВ</b> <b>Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ</b> <b>Эркин МАРУПОВ</b></p> <p><b>Таҳририят:</b> <b>Масъул мухаррир:</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Мусаҳҳих:</b> <b>Рӯзибуви ҚУРБОНОВА</b> <b>Саҳифаловчи:</b> <b>Маъруф РАҲМОНОВ</b></p>	<p><b>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти</b></p> <p><b>2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили</b></p> <p>Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирил ёзувида чоп этилади.</p> <p>Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p>Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p> <p style="text-align: center;">***</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</p> <div style="border: 1px solid black; padding: 10px;"><p>Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириши институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнданги ОАК Раёсатининг 339/6-сон қарорига асосан юридик ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганини маълум қиласди.</p></div>
---	---

## БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ҳозирги етти йилликда инсоний ахлоқий-рухий, ҳамда ҳуқуқий онги ва маданияти равнақида бурилиш ясашдек вақт – янги Ўзбекистонни барпо этишда мураккаб жараёнларни мард ва жасур халқимиз бошидан кечирмоқда. Қонунларнинг тўла амал қилиши, ўз таъсир доирасининг кенгайиши – аҳоли барча табақасининг қонунлар доирасида яшашга кўничиши учун ҳуқуқий ҳимоя тизими ўта оқилона давлат ва жамият бошқаруви сиёсатини адолат тамойилларига асосланган ҳолда олиб бориши шарт, деб ўйлаймиз. Шу боис ҳам юз бераётган жиддий ўзгаришлар: янгича тафаккур, янгича қараш ва ёндашувлар ҳамда ташаббус ва ислоҳотчилик фаолиятини ўтмиши иллатларидан – боқимандалик, сусткашилик, порахўрлик ва текинхўрлик касаллигидан асраш, айни пайтда қонуннинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш бош вазифага айланиши лозим.

Ҳозирги янгича қарашлар ва ёндашувлар даврида ҳуқуқий онг ва маданият тамойиллари хусусида икки оғиз сўз. Бундай мураккаб, турли қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда соғлом кучларнинг мамлакат миллий манфаати йўлида бирлашиши ҳамда умумий мақсадлар рўёби учун курашиш жараёнларида ҳар бир ИИО ходими алоҳида жасорат ва тантилик кўрсатиши керак. Улар айниқса, институтда таълим олган масъул офицерлар юрт тинчлиги ва омонлиги учун бир зум ҳам ҳаловатини сусайтирмаслиги, огоҳлик, зийраклик фазилатларини янада юксалтириши, тартиб-интизомни кучайтириши, амалдор шахсларда шахсий масъуллик янада ортиши айни муддао бўлиб қолади.

Ички ишлар органлари фаолияти давлат ва жамият бошқарувига янгича ёндашув ва қарашлар, чунончи МОИда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини таъминлашда сўнгги бир ярим йилда тизимдаги инқилобий ислоҳотлар мисол бўла олади. Булар маҳалла еттилигининг талаб даражасида ишлашини жорий қилиш ўз ҳосиласини бермоқда.

Соҳага замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этилаётгани юртимизда тинчлик-осойишталиктни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиздаги барча ички ишлар органларини ўзаро боғловчи оптик толали тизим барпо этилди.

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев: “**Барча соҳаларда ва ҳамиша инсон манфаати устувор бўлиши керак**” деган ғояни ўртага ташлаб, асосий эътиборни ички ишлар органлари фаолиятига қаратдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф а м о н и**

**“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ  
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА  
АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. **2024 йил 1 марта**н бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъододли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан “Ёшлар баланси” асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, **давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарлари** бириктирилсин. Бунда мазкур раҳбарлар:

**ҳар ойда камида бир маротаба** ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган **касб-хунарга ўқитиши** орқали **бандлигини таъминлаш**, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, **хукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга** ҳар томонлама кўмаклашиб борсин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси**, **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдулаев) ҳамда ёшлар бириктирилган **вазирлик ва идоралар** белгилансин.

2. Ёшларнинг салоҳияти, истеъоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида “**Беш ташаббус олимпиадаси**” доирасида:

**2024 йил 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар** тизимида мукофот жамғармаси **600 миллион сўм** миқдорида хорижий тиллар (“Ибрат фарзандлари”) бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва “Заковат” интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилсин;

Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан **каслар танловида** ғолиб бўлган ёшларни ўз ҳудудларида **жихозланган устахоналар** билан “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) белгилансин.

8. **2024 йил 1 июлдан бошлаб нуфузли ҳалқаро брендлар** билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

**халқаро стандартларни жорий этиш ва экологик сертификатлаш харажатларини қоплаб бериш тартиби** жорий қилинсин;

**уч йил давомида нуфузли ҳалқаро брендлар остида** ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган **барча хом ашёлар** маҳаллийлаштириш даражасини **камидаги 60 фоизга етказиш шарти** билан **божхона божидан** озод этилсин;

нуфузли ҳалқаро брендлардан жалб қилинган **технолог, дизайнер, маркетолог** каби мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи тасдиқнома берилганини учун **тўловлар ундирилиши** бекор қилинсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Савдо-саноат палатаси** (Д.Вахобов) ҳамда **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Л.Құдратов) белгилансин.

9. **2024 йил 1 майдан бошлаб** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун **янги мажбурий тўловлар ва йиғимларни фақатгина конунда белгилаш амалиёти** киритилсин.

16. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларни қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

**2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари билан тъминлашнинг янги тизими босқичма-босқич жорий қилинсин;**

**2024 йил 1 сентябрдан бошлаб** пенсия тайинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғарид бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги пулни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни **проактив тарзда амалга ошириш**, ногиронликни белгилашда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган имтиёзлар тўгрисида хабардор қилиш тартиби жорий этилсин;

**22. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб** чегара божхона постларида **мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини расмийлаштириш бўйича карантин, санитария-эпидемиология осойишталик ва ветеринария соҳалари**даги назорат функциялари божхона хизмати органларига ўtkazilsin.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Божхона кўмитаси** (А.Мавлонов) белгилансин.

**28. Конун устуворлигини тъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида 2024 йил 1 майга қадар:**

адашган ёшларни **жамиятга интеграция қилиш**, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш мақсадида Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёшларни пробация ҳисобидан чиқариш амалиёти жорий этилсин ва уларни **профилактик ҳисобга олиш асослари** кескин қисқартирилсин;

йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолати юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар бўйича **Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон мурожаат қилиш имконияти яратилсин.**

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ички ишлар вазирлиги** (П.Бобожонов), **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) ва **Рақамли технологиялар вазирлиги** (Ш.Шерматов) белгилансин.

**31. “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича Куролли Кучлар,**

соҳага масъул бошқа вазирлик ва идораларнинг киберхавфсизлик ҳамда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича салоҳиятини кескин ошириш мақсадида:

киберхавфсизлик инфратузилмасининг муҳим элементлари ҳисобланувчи **ахборот тизимлари аттестацияси** ва экспертизаси учун ҳар бир вазирлик ва идорада **масъул шахслар жавобгарлиги** белгилансин;

мазкур йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича **ўқув дастурлари** ва **ўқитиш методикаларини** замонавий **таҳдид** ва **тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш** чоралари кўриб борилсин;

мамлакатимизнинг **рақамли ва ҳарбий-тиббий инфратузилмасини** такомиллаштириш, масъул идораларни замонавий **техника** ва **тиббиёт аппаратуралари билан босқичма-босқич таъминлаш дастури** амалга оширилсин;

фуқаролар **шахсий маълумотларининг ҳимоясини** кафолатли таъминлаш бўйича, шунингдек, **банк ва тўлов тизимлари** учун **фирибгарликка қарши** ва замонавий **биометрик тизимлар** жорий этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Мудофаа вазирлиги** (Б.Курбанов), **Ички ишлар вазирлиги** (П.Бобожонов), **Рақамли технологиялар вазирлиги** (Ш.Шерматов) ва **Марказий банк** (Н.Саъдуллаев) белгилансин.

34. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равища**:

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш натижалари** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида** амалга оширилаётган **барча тадбирларнинг бориши ва натижалари** тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотлар аҳолига тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

35. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 21 февраль

*(Халқ сўзи. 2024 йил 23 февраль сонидан қисқартириб олинди.)*

\*\*\*\*\*

**Халқаро хотин-қизлар маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, аёлларга самимий меҳри ва хурматини изхор қилди:**

*– Биз ҳар йили бу кунни интиқлик, қалбимизда ажисб илиқлик билан кутамиз. Уибу шукухли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут бераб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўътабар аёл зотига таъзим қиласиз. Зоро, инсон қадрини улуғлаш аввало азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.*

\*\*\*

**Наврўзниг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон гояси билан гоят уйгун ва ҳамоҳангидир.**

**Бутун олам, еру кўк уйгонаётган бу ажисб фаслда юртимиздаги янги Уйғониши даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбимизга бекиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Наврўз умумхалқ байрамига бағишлиланган тантанали маросимдаги  
табриқ нутқидан**

**Қадрли дўстлар!**

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиланиш, меҳр ва оқибат байрами – Наврўз кириб келар экан, дала ва қирларимиз, боз ва яйловларимиз кўклам ёмғирлари – обираҳматдан баҳраманд бўлиб, бўлгуси мўл ҳосил, қут ва баракадан дарак бермоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг табиат фарзанди эканини янада чуқур англаётган мана шундай мунаvvар айёмга эл-юртимиз билан соғ-омон етганимиз учун, аввало, Яратганимизга беҳад шукроналар айтамиз.

Бугун катта орзу-умидлар билан сафларимизга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизни – Янги Ўзбекистон бунёдкорларини барчамиз самимий олқишилаб, уларга бахт ва омад тилаймиз.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Мир Алишер Навоий бобомизнинг олам аҳлига, биз – авлодларга қаратма “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!” деб айтган тилакларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка муҳтоҷс кишиларни қўллаб-қувватлаш, беморларнинг дардига дармон бўлиши каби халқимизга хос савобли амалларни нафақат Наврўз айёмида, балки ҳар куни, виждан амри билан адo этишимиз лозим.

Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-

шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик ҳаётимиз қоидасига айланишии зарур.

*Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!*

*(Халқ сўзи. 2021 йил 22 марта)*

## 2023 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАГАЛЛИК ДАРАЖАСИ 11 ФОИЗГАЧА ПАСАЙДИ



2022 йилда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизгача камайган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 11 фоизгача тушди ва кариб 1 миллион аҳоли даромади белгиланган камбағаллик чегарасидан ошгани қайд этилди.

Камбағаллик даражасининг сезиларли пасайиши Қорақалпогистон Республикаси. Сирдарё, Андижон вилоятларида қайд этилди.

Сўнгги уч йил давомида аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақининг улуши 70,2 фоиздан 62,7 фоизга пасайди ва кичик бизнесдан олинадиган даромадлар улуши эса 0,7 фоиздан 2,9 фоизга ошиди.

*Долзарб мавзу*

- Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

**Пўлат БОБОЖОНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генераль-лейтенант*

**ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЬИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА  
ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК –**

**ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг бош мезони**

**Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мақсадида барча соҳаларда туб янгиланишлар, кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ҳамда долзарб вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.**

Маълумки, ижро интизоми давлат органлари ва ташкилотларининг иш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир. Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, энг аввало, давлат органлари ва ташкилотларининг барча бўғинларида ижро интизомининг юқори даражада таъминланишига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борада **янги иш тизими жорий этилиши** белгилаб берилган.

Шу муносабат билан Президентимизнинг 2021 йил 10 февралда “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали

фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Уларга кўра, қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш ҳамда “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган **қонунчилик хужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди.**

Ушбу фармон ва қарор билан қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва мониторинг қилиш тизими янада такомиллаштирилди, ижрони ташкил этиш жараёни босқичма-босқич очиб берилди. Бу борада ҳар бир масъул раҳбар ва ходимнинг ўзи бевосита масъул бўлган соҳадаги ишлар ҳолатига танқидий ёндашиш, зиммасига юкланган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Фармон ва қарор ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ички ишлар вазирлигида қонунчилик хужжатлари ҳамда топшириқлар ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби, ишларни самарали йўлга қўйиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган.

Ички ишлар вазирлигига келиб тушаётган қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминлаш бўйича ҳар ҳафтанинг душанба куни — вазир ҳузурида ва жума куни — вазир ўринbosарлари томонидан шахсан масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиш ҳолатини “**кунбай**” таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг “**Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиб қолиши керак**”, деган сўzlари Ички ишлар вазирлиги фаолиятининг бош мезонига айланди. Хусусан, бу жараёнда вазирликнинг барча даражадаги раҳбарларининг қонунчилик хужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда “**ишли**

**жамоа бажаради, масъулият эса шахсий”, деган принципиал қоидага амал қилиниши юзасидан шахсий жавобгарлиги белгиланди.**

Таъкидлаш жоизки, ижро интизомини таъминлашда унинг пойдевори ҳисобланган ҳужжатлар лойиҳасини пухта ва сифатли ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ижро интизомининг тизимли йўлга қўйилиши қисқа фурсатда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Айниқса, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама пухта ҳамда мукаммал даражада тайёрланиши туфайли вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёни сезиларли даражада қискарди.

Сўзимизни рақамлар билан давом эттирадиган бўлсак, 2023 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан 78 та норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган 695 та лойиҳа келишилди. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятига оид 5 та қонун, Президентимизнинг 1 та фармони ва 6 та қарори ҳамда 41 та Ҳукумат қарорининг қабул қилиниши ички ишлар органлари тизимини ривожлантириш учун қулай шароит ва янги имкониятлар яратди.

Ички ишлар вазирлигига ижро интизомини таъминлаш бўйича жорий этилган тизимни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш бўйича ўтган даврда тўпланган тажрибалар ўз самарасини бермоқда. Натижада 2023 йилда “Ijro.gov.uz” тизимида ижро этилиши лозим бўлган 489 та топшириқнинг бажарилиши таъминланди.

Шунингдек, ижро интизомини таъминлаш бўйича жорий этилган тизимнинг натижадорлиги Президентимизнинг худудларга ташрифларида, давлатимиз раҳбари ҳузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда худудларга ташрифлар давомида берилган 78 та топшириқ ижроси таъминланди, ижро муддати келмаган топшириқларни тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ҳузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда берилган 43 та топшириқ тўлиқ бажарилиб, қолганларининг ижроси назоратга олинди.

Яратилган самарали ижро интизоми тизими янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “*Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили*”да амалга оширишга оид давлат дастурининг ижросини таъминлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, давлат дастурида Ички ишлар вазирлигига юкланган 4 та топшириқ бажарилди, уларнинг ижроси юзасидан 5 та норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси тегишли инстанцияларга киритилиб, бугунги кунда шундан 2 таси қабул қилинди.

Давлат дастури доирасида тайёрланган лойиҳалар бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар асосида қўйидаги **янги механизмлар** яратилди:

– аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш тартиби жорий этилди;

– Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар ва туманлар марказида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилди.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи, хусусан, ҳар бир инсон учун унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Шу боис, янги Ўзбекистон тарихида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи ислоҳотлар айнан фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида бошланди.

Бунда асосий мақсад ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи тузилма сифатида эмас, балки ҳалқ манфаатларига хизмат қиласиган, аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлайдиган тизимга айлантиришга қаратилди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган “**Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак**”, деган устувор тамойил ички ишлар органлари фаолиятининг бош мақсадига айланди.

2023 йил 28 июлда Фарғона вилоятида илк бор давлатимиз раҳбари раислигига Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда берилган барча топшириқлар ижросини таъминлашга

эришилди. Ҳайъат мажлиси баёни ижроси доирасида ички ишлар органларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, республикадаги 2 минг 298 та “қизил” тоифадаги маҳалланинг ҳар бирига вилоят даражасидаги масъул раҳбарлар номманим бириктирилди. Маҳаллаларда “ижтимоий профилактика” тизими билан қамраб олинган 350 мингдан ортиқ фуқароларнинг муаммоси тўлиқ ҳал этилди.

Бундан ташқари, “**вояга етмаганлар билан ижтимоий-хуқуқий ишлаш кластери**” тизими жорий этилди. Бунда “Оила – маҳалла – мактаб - мустақил ҳаёт” тамойили асосида тарбияси оғир ҳар бир ўсмирга раҳбарлар номма-ном бириктирилиб, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш даврида алоҳида ишлаш тартибини йўлга қўйиш ҳамда ўсмирларни мутасаддилар томонидан “оталиққа олиш” тартиби белгиланди.

Шунингдек, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ёшлар ўртасида жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган чоратадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ижтимоий-маиший муаммоси ҳал бўлмаган оиласалар билан ишлаш бўйича “**Хавфсиз оила**” тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилди.

2023 йилда қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор янги иш услублари амалиётга татбиқ этилди, хусусан:

– Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳайдовчиликка ўқитиш учун лицензияни бериш тартиби белгиланди. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни лицензиялаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди (илгари Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси эди);

–маҳкумларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик нормалари тасдиқланди. Бунда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасасида

жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса, пенсия тайнинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши йўлга қўйилди ва Жиноят-ижроия кодексига махкумларнинг тузалиш йўлига ўтганини аниқлаш мезонлари киритилди;

– хотин-қизларни оиласиб зўравонлик ва таъкиб қилишга йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқий механизmlар тасдиқланди. Хусусан, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан оиласидаги зўравонлик жиноий ҳуқуқбузарликлар туркумига ўtkазилди, иқтисодий ва психологик зўравонлик, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик учун жазо кучайтирилди. Мисол учун, 18 ёшга тўлмаган шахсларни, яқин қариндош, собиқ хотин, бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур жиноятни содир этган шахс 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

– илк бор ички ишлар органлари ходимларининг Касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланди. Кодекс ички ишлар органларида касбий маданият қоидаларини, хизмат интизоми талабларини, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни, раҳбариятнинг ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш тартибини белгилайди;

– маъмурий жарималарни тўлашда имтиёзли даврни белгилаш амалиёти йўлга қўйилди. Яъни, 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими соддалаштирилди. Унга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий тўлаган тақдирда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Маълумки, ижро интизомини мустаҳкамлашда тизимдаги ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш, уларда касбий ғуур, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳалоллик туйғусини уйғотиш муҳим аҳамият касб

этади. Шу сабабли, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2023 йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида 1 та қонун, Президентимизнинг 2 та қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори лойиҳалари ишлаб чиқилди ҳамда 20 дан ортиқ идоравий ва идоралараро норматив хужжатлар қабул қилинди.

Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти жорий этилди. Шу тариқа уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришдаги шахсий масъулиятини ошириш бўйича давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган дастур асосида ходимларни ҳар уч йилда бир марта ўқитиб, махсус синовдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ички ишлар органларида лавозимларни юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва қасбий сифатларга эга номзодлар билан жамлаш назарда тутилди. Шу мақсадда ички ишлар органларида хизматга қабул қилишининг сифат жиҳатдан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш бўйича йўриқнома тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириклари асосида йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини бартараф этиш мақсадида “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастури тўлиқ ижрога қаратилди. Дастур доирасида йўлларда 35 мингдан зиёд замонавий йўл белгилари ва 522 та жойларда светофор ўрнатилди, 11 минг 49 та пиёдалар ўтиш жойи қайта тикланди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисалари сонини янада камайтириш учун “Долзарб ойлик” тадбири ўтказилди. Ойлик доирасида пойтахтдаги тартибга солинмаган жами 250 та пиёдалар ўтиш жойига чақирув тутгали светофор ўрнатилди. Шунингдек,

тирбандлик ҳосил бўлган объектлар атрофида 368 та, жумладан, 105 та масjid олдида 143 та йўл белгиси ўрнатилди, автобуслар ҳаракати учун 1,8 километр узунликда алоҳида йўлак ташкил этилиб, уларнинг умумий узунлиги 50 километрга етказилди.

Шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб оловчи жавобгарлик ҳудудини белгилаш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўловчилар ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ходимлари учун маҳаллаларни қамраб оловчи “Маҳаллабай-квадрат” ишлаш тизими жорий этилиб, республика бўйича 9 минг 442 та маҳалла 2 минг 331 та квадратга ажратилди ва уларнинг ҳар бирига йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ходимлари бириктирилди.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий жиҳатдан таъминлаш, соҳада илм-фан ютуқларини жорий этиш мақсадида 2024 йил 15 январдаги Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу хужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ташкил этилди. Шунга кўра, республикамизда криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш чоралари кўриб борилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, “темир интизом”га асосланган тизим асосида кўрилаётган барча чоралар қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг самарали ҳамда натижадорлик билан бажарилишини таъминлаш орқали, энг аввало,

**2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида** белгиланган халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш ва бошқа бир қатор соҳаларни яхшилаш каби мақсадларга эришишга хизмат қиласи.

Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “**Эришилган натижалар билан чекланиб қолмаслик керак, барчамиз, эгаллаб турган лавозимларимиздан қатъи назар, мамлакатни янада изчили ривожлантиришни таъминлаш ҳақида ҳар доим ўйлашимиз шарт. Янги Ўзбекистон келажаги учун яшаш ва меҳнат қилиш — юксак масъулият ва шарафдир!**”

(“Янги Ўзбекистон”, 2024 йил 17 феврал.)

• Улуглар ҳаётидан

### **САЛИМАБОНУ – ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ БЕШИГИНИ ТЕБРАТГАН**

Бу буюк аёл ҳақида ҳам маълумотлар жуда кам. Бу улуг аёлнинг исмлари ҳақида ҳам аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, исми Ҳалимабону (ёки Салимабону) бўлиб, амирзода шайх Абу Саид Чангийнинг қизи бўлган.

Ҳазрат Навоий “Мажолисун-нафоис”да тозаларининг ҳам таъби назми борлиги, туркий ва форсийда ижод қилганини ёзади. Шундан билиш мумкин, бу аёл ҳам жуда маърифатли, саводхон бўлган. Тахминан, 1436-37 йилларда Ғиёсiddин Баҳодур билан турмуш қурган. Ҳазрат Навоийдан ташқари Дарвишалибек ва Баҳдулбек исмли ўғиллари бўлган. Ҳазрат Навоий “Бадоеъул-бидоя” девони муқаддимасида темурийлар хонадони хусусида тўхталиб ёзади:

*Отам бу останнинг хокбози,*

*Онам ҳам бу саро бўстон канизи...*

Шу байтнинг ўзиёқ, бу аёл бевосита темурийлар хонадонининг яқин кишиларидан бўлганини кўрсатади.

• *Ислоҳотлар – амалда*

**Олимжон АҲМЕДОВ,**  
**ИИВ Малака оширии институти бошлиги, полковник, доцент**

**БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – СТРАТЕГИК  
ҲАРАКАТЛАР БУНЁДКОРИ**

*Улар янги Ўзбекистонни барпо қилишининг энг фаол  
сиёсий-хуқуқий қатламини ташкил этади*

Инсоният тарихининг ривожланиш даврларида таълим-тарбия жамиятдаги энг зарурый ва мураккаб ҳамда муаммоларга бисёр долзарб масала бўлиб келган. Чунки таълим-тарбия инсон тафаккури ва маънавияти ҳамда хуқуқий онг ва маданиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ушбу муаммо ҳамма вақт буюк алломаларнинг эътиборида бўлган.

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда жаҳон талаблари даражасидаги жараёнини ташкил этиш имконияти яратилди. Ўтган йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши эса жамиятда ўқитувчи-мураббийлик касбининг нуфузи ва таълим сифатини ошириш ҳамда бунинг учун етарлича шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш учун айни муддао бўлди. Зоро, ўтказилаётган ислоҳотлар ва ўқитувчиларга бўлган эътибор миллий таълим ривожига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасизdir.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: “*Таълим сифатини ошириши – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона йўлидир*”. Бу борада кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган ИИВ Малака ошириш институти ички ишлар органлари ходимларини бошланғич, касбий ва қайта тайёрлайдиган ҳамда уларнинг малакасини оширадиган давлат ҳарбий таълим муассасасига айланди. Дарвоҷе, Буюк Амир Темурнинг бебаҳо ҳарбий меросида ҳам: “*Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар*” деган ибораси айнан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга бевосита тўғри келади.

Глобализация ва ахборот хурожлари кучайиб бораётган ҳозирги пайтда инсон онги ва тафаккурини эгаллашга, уларга ўзининг ғаразли манфаат ҳамда мақсадларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатаётган кучлар маълум даражада кўпайиб бормокда. Бундай таҳдид ва тажовузларга қарши туриш, ўзини, яқинларини, она Ватанини ва халқини улардан муносиб ҳимоя қила олиш эса ҳар бир фуқаро, айниқса фуқароларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида ички ишлар органлари ходимининг хизмат бурчи ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни ҳалол, вижданан, сидқидилдан бажаришга қасамёд қилиб, она Ватанимиз, халқимиз ва Президентга садоқат билан хизмат қилиш тингловчилардан касбий билим, юксак ҳуқуқий онг ва маданият ҳамда олий маънавият соҳиби бўлиш талаб қилинади.

Халқ доимо билимли ва малакали инсонларни ҳурмат қилган ҳамда эъзозлаган. Инсоният тарихида: “*Билим –таълим-тарбиянинг боши, инсониятни бошқа маҳлуқотлардан фарқловчи омил, баҳтли, саодатли яшааш асоси*”, “*Билим –қалби “тоши”, кўзи “кўр”, қулоги “кар” жсоҳил сифат жонзотни дил-меҳрга тўла, нигоҳи моҳиятини кўра оладиган, маърифат булогидан баҳраманд фозил ҳазрати инсонга айлантирувчи ишончли восита*”, каби ғоялар ҳаётда ўз исботини топганлиги ҳеч кимга сир эмас! Шундай экан, нима учун ички ишлар ходими ва тингловчилар орасида пухта касбий билимнинг амалиётдаги, ўзининг келажакдаги аҳамиятини тушунмаслик, бу соҳада яратилган имкониятлар, вақт “*қадрига етмаслик*”, “*лоқайдлик*”, “*бепарволик*” каби хислатлар ҳалигача сақланиб қолаётганлиги кузатилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 15 апрелдаги “*Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашининг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*”ги Қарорига асосан ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда, Вазирликнинг Малака ошириш институти мутахассислари томонидан бевосита жойларда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиши амалиёти жорий этилган. Институтнинг касбий тайёргарлик факультети соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган маҳсус беш ойлик

ўкув дастурлари асосида беш йўналишда мутахассис кадрлар тайёрланиб, уларга “кичик сержант” унвони ҳамда диплом берилиши йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг биринчи кварталига қадар Малака ошириш институти ички ишлар органларининг ўн мингдан ортиқ офицер, сержант ва сафдор ходимлари учун узлуксиз ўкув карьера жараёни тизимида таълим олиб борилди. Бу ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, барча тоифадаги ички ишлар органлари ходимларининг хизмат ўташи ва мартабаси ҳамда унинг бутун муддати давомида узлуксиз равишда таҳсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш, доимий равишда хизматдан ажralмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлайди.

Ҳозирги пайтда инновация таълим шаклларидан, технологиялардан фойдаланиб, тингловчиларни ҳар жиҳатдан камол топтириш, мустақил фикрловчи, ўзига хос қарашларини ифода эта оладиган, креатив қобилиятга эга ходимларни тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Таълимда кенг қўлланилаётган “*бинар дарслар*”, “*саёҳат*”, “*учрашув*”, “*сайёр дарслар*” воситасида тингловчилар дунёқарашини кенгайтиришга, билими ва қизиқишлигини оширишга, ижодий ёндашув қобилиятларини ривожлантиришга эришилмоқда.

Ахборот ресурс марказининг “Электрон кутубхонаси” компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, “*Library.ziyoronet.uz*”, “*Norma.uz*”, “*Lex.uz*”, “*Natlib.uz*”, “*ipkmvd.uz*”, “*IV.UZ*” ҳамда бошқа расмий сайтлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Институт Ахборот-ресурс маркази ўкув адабиётлари билан муентазам равишда бойитиб борилиши йўлга қўйилган. Ҳозирда институтнинг ахборот ресурс марказида 3 минг 255 номдаги йигирма мингдан ортиқ китоблар ўрин олган. Шунингдек, электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилган ва унинг фондида 100 мингдан ортиқ хизматга оид ҳамда бадиий адабиётлар жой олган. Энг асосийси мазкур компьютерлар Ўзбекистон Республикасининг ҳазрат Алишер Навоий номидаги кутубхонасига уланганлиги тингловчилар учун катта имкониятларни очиб берди. Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчилари ва тажрибали офицерлар томонидан ўкув адабиётларининг

янги авлоди яратилишига алоҳида эътибор қаратилган. Институт кафедра ва цикларидағи ўқув-методик база инновацион ўқитишни амалга оширишни назарда тутувчи блок-модулга асосланган бўлиб, 40 дан ортиқ ўқув дастурлари ҳамда 50 дан ортиқ ўқув-услубий мажмуалар тайёрланди.

Бой амалий тажрибага эга бўлган ва ўзининг кейинги фаолиятини илмий-педагог йўналишга бағишлигар профессор-ўқитувчи ва мутахассис кадрлар Институтга ишга қабул қилиниб, даставвал “*педагог маҳорат мактаби*” тайёргарлигидан ўтади. Институтда ёш педагог ходимларнинг малакасини ошириш борасида нафақат мамлакат, балки хорижий давлатларнинг турдош таълим муассасаларида малака ошириш курсларига юборилмоқда. Хусусан 20 нафардан ортиқ малака ошириш институти ўқитувчилари Франция, Туркия, Корея давлатлари таълим муассасаларида ўқиб қайтишиди. Институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти қисқа муддат ичидаги 35 фоизга етказилди. Яна бир мухим салоҳиятга эга бўлган ҳолат, иккинчи йилдирки малака ошириш институти органи “Ахборотнома” журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссиясининг Раёсати қарорига кўра, иккита юридик ва тарих фанлари йўналишлари бўйича илмий нашрлар рўйхатига киритилди. Эндиликда илмий даражада олувчи докторант ва ҳақиқий докторларга оқ йўл берилди.

Институтда жорий этилган онлайн ва оффлайн ўқитиш платформаси ёрдамида ходимлар масофадан туриб, хизматдан ажralмаган ҳолда таълим олиши ҳамда тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равища ўзлаштириш тартиби жорий этилган. Институтнинг **ipkmvd.uz** вебсайтига таълим муассасаси ҳаётига оид энг мухим маълумот ва тадбирлар жойлаштириб борилади. Бундан ташқари, **mt.ipkmvd.uz** платформаси яратилган бўлиб, ундан масофавий таълим олувчилар фойдаланишлари учун маъруза, тест ва слайдлар ўрин олган. Шунингдек, институт кафедра ва циклари профессор-ўқитувчиларининг касбий фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг **ракамли портфолио** тизими ишлаб чиқилган бўлиб, “*E-ўқув карьера*” тизими орқали Вазирлик “*E-кадр*” тизимида интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органларига мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор хорижий тажрибаларини тадбик этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

мақсадида Ички ишлар вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармаси билан биргаликда БМТ барқарор ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистонда лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси, Жанубий Кореяниг КОICA, Японияниг ЛСА, Туркияниг ТИКА каби Халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентликларининг ваколатхоналари ҳамда Россия, Хитой, Франция, Испания, Италия, Германия каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Корея миллий полиция агентлиги ва Корея халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (КОICA) томонидан Малака ошириш институтимизда Симуляция ва моделлаштириш марказини барпо этиш бўйича 6 млн. АҚШ доллар қийматга эга бўлган беғараз лойиҳа доирасида 2024-2027 йилларга мўлжалланган ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда Кореядан юборилган эксперталар гуруҳи томонидан Симуляция ва моделлаштириш маркази учун ажратилган бинонинг реконструкция қилиш лойиҳаси ва бош режа ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг май ойидан бошлаб институт профессор-ўқитувчилар таркиби лойиҳа доирасида Кореяга малака ошириш ўкув курсларига юборилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, республикамиздаги 40 дан ортиқ турдош таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан институт ўртасида ҳамкорлик меморандумлари асосида илғор тажрибалар ишлари тадбиқ этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг Қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига мувофиқ Олийгоҳ таълим-тарбия жараёни қуидагиларга фаолият олиб боради:

- ички ишлар органлари ходимларини **«Инсон қадри учун»** тамойили асосида жамиятнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

- ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини масъулият ила ҳис этган ҳолда,

юксак салоҳият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормалариға сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

– ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-харакатлар, суиистеъмолчилик, таъмагирлик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, хуқуқ-тартибот тизими имижига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик белгиланган.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар доирасида тингловчиларга миллий қадриятларимизни сингдира бориш мақсадида Тошкент шаҳридаги Темурийлар, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон санъати каби музейларга, Янги Ўзбекистон боғи, Ғалаба боғи, Зангигита, Шаҳидлар майдонидаги қатағон қурбонлари зиёратгоҳлариға, концерт ва театрларга бориш орқали маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар оқилона тарзда йўлга қўйилган.

Ҳозирги пайтда ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим тизимида тингловчиларда билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш учун профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза машғулотларида мавзуга оид асосий тезис тушунчаларни ёритиш, уларни ўзлаштириш йўналишларини ўргатиш, манбалар билан ишлашни тушунтириш, кўрсатиш ва мустақил ишлаш учун аниқ топшириқлар бериш, ўкув услубининг диктант ва “диктовка” каби ёздириш усулидан воз кечиши зарур.

Тингловчиларнинг семинар-тренинг машғулотлариға тайёргарлик кўришларида адабиётлар, норматив-хуқуқий хужжатлар, шу жумладан электрон манбалар билан ишлашни, яъни уларга берилган маълумотларни ўзлаштиришнинг илфор педагогик технологиялариға асосланган инновацион усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Очиғини айтганда, сўнгти йилларда мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимларини ахолининг ишончли ҳимоячиси ва халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлашга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 20 январь куни қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ, институтда хуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва

патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “*Фуқаролар билан ишилаш модули*” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилди. Ташкил этилган ушбу ўкув курсида тингловчиларнинг ўзлаштирган билимларини мустақил равишда амалий машғулотларда қўллашни назарда тутувчи аниқ топшириқ ва машқларни кўпайтириб, бу борада амалиётдаги ўзгаришларни инобатга олган холда илғор инновацион педагогик технологияларга асосланган маҳсус машқлар, масалалар, топшириклардан ўкув жараёнларида самарали фойдалнишни йўлга қўйиш орқали тайёргарлик сифати янада оширилмоқда.

Тингловчиларда биринчи манбалар билан ишлаш ва зарур маълумотларни мустақил равишда ўзлаштириш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ўкув гурухлари, мутахассислик йўналишлари ўртасида илғор педагогик технологияларни назарда тутувчи беллашув ва мусобақалар, викторина, уларнинг илмий-амалий бахс ва мунозараларда фаол иштирокини таъминловчи “*давра сұҳбати*” ва бошқа илмий-амалий тадбирларнинг тизимли ҳамда мақсадли ўтказилиши назарда тутилади.

Жанговар тайёргарлик цикли томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Конструкторлик бюроси ва тажрибавий ишлаб чиқариш илмий-техник маркази билан ҳамкорликда электрон тир мажмуасининг барпо этилиши тингловчиларнинг жанговар шайлигини оширишда самара бермоқда. Бир вақтнинг ўзида 1000 дан ортиқ тингловчига узлуксиз хизмат кўрсата оладиган ушбу мажмуа ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ реал воқеликни ўзида мужассамлаштирган ҳолда, хизмат фаолияти ва ностандарт вазиятларда қисқа муддат ичida нишонни юқори аниқликда забт этиш учун зарур бўладиган жиҳатларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Ҳозирги пайтда илғор пед-технологиялар таълим-тарбия жараёнига жорий этилди, жумладан ўкув амалий машғулотларида фойдаланиш учун интерфаол панеллар, планшет, бодикамералар ҳамда бошқа зарур техникалар тадбиқ этилди. Институтда маънавий-маърифий ишларни **“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!”** концептуал ғояси асосида ташкил этиш, тингловчиларнинг маънавий-рухий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси, интеллектуал

салоҳиятини, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, гоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни кучайтириш, уларнинг фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат арбоблари, таникли ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар, ички ишлар органлари фахрийлари иштирокида “Ўзбекистон – жаҳон ҳамжасияти сафида”, “Коррупция – тараққиёт кушандаси”, “Соғлом турмуш тарзига риоя қилиши – соғлом ҳаёт гаровидир”, “Уч авлод учрашуви” каби қатор мавзуларда давра сухбатлари ўтказилмоқда. Шунингдек, тингловчилар “Заковат” интеллектуал ўйини, “Энг яхии китобхон”, “Энг яхии саф қўшиги” ҳамда “Деворий газеталар” кўрик-танловларида ҳам ўз истеъдодларини намойиш қилишмоқда.

Шунингдек, институтдаги хотин-қизлар ва фахрийлар кенгаши, ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Тингловчиларнинг муентазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шартшароитлар яратилиб, турли спорт тўгараклари ташкил этилган. Институтимиз шахсий таркиби ва тингловчилари иштирокида муентазам равишда самбо, миллий кураш, футбол, теннис, волейбол, бадминтон бўйича спорт мусобақалари ўтказилиб борилади. Сўнгги олти ой мобайнида касбий тайёргарлик факультети тингловчилари 12 турдаги мусобақаларда иштирок этиб, 38 та соврин, шундан 11 та олтин, 12 та кумуш, 9 та бронза медалларни қўлга киритдилар.

Фарҳ ва ғуур ила таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг дадил одимлари ўз аксини топаётган Малака ошириш институти билимли, она Ватанига содик ва хизмат бурчини бажаришга вижданан ёндашадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб биладиган, ўз касбининг етук кадрларини тайёрлаш учун асос-негиз бўлиб хизмат қиласи. Шу боис ҳам Президент қарорлари, фармонлари ва кўрсатмаларини сидқидилдан бажариш, янги Ўзбекистон келажаги учун яшаш ва меҳнат қилиш – юксак масъулият ва шарафdir.

*Илмий мақолалар*

- Президентга Абдулла Ориповнинг меҳр ила эътирофи ва эъзози

**Карим НОРМАТОВ,**  
*ИИВ Малака оширии институти профессори,  
Ўзбекистон Журналистлар ўюшмаси аъзоси.*

## ТАРИХИЙ НОЁБ ШЕЪР – БОҚИЙДИР, БОҚИЙ!

Хассос шоир Абдулла Орипов шунчаки ижодкор бўлмай, балки бутун борлиги ила исёнкор бунёдкорлиги орқали улкан маҳорат ва садоқат билан қолиб, метин қалам тебратгани мўъжизанинг ўзику! “Сизга, азиз муштарий, самимий ҳурматимиз рамзи сифатида ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, Ўзбекистон Қаҳрамони, Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарорига биноан “Ўзбекистон – дилбар Ватаним” номли китобини тақдим этамиз”<sup>1</sup>, – деб қайд қилишди муаллифлар.


Академик олимларимиз – Акмал Саидов, Қаландар Абдураҳмонов ҳамда шоир Ғулом Мирзо қаламига мансуб ушбу фундаментал китобга назар ташлар эканман, (“Академнашр”: НММ.,2021. – 480 б.) Ғулом Мирзонинг устоз Абдулла Орипов ҳақидаги айрим хотираларини келтираман. “1996 йили Амир Темур ҳазратлари таваллуд куни арафасида, яъни апрель ойининг илк кунларида интервью олиш учун устознинг ҳузурига бордим... Ўшандан буён орадан қарийб чорак аср вақт ўтибди. Бугун Абдулла Орипов орамизда жисман йўқ бўлса-да, руҳан барҳаёт. Устозни хотирлар эканман, ўша азиз қўлёзма эсимга тушиб қолди. Шахсий архивимни титкилаб уни топдим. Икки саҳифали қўлёзманинг охирги варағи сиртида Абдулла аканинг дастхати битилган қуйидаги сатрлар бор:

<sup>1</sup> Ўзбекистон – дилбар Ватаним. “Академнашр”. Т.: 2021. 480 б.

*Мана шу либосда келдим, дўстларим,  
Ҳимматдан миннатдор, ўз-ўзимга бек.  
Сизга аталгандир юксак сўзларим,  
Ўглини ҳурматлаб тураркан Ўзбек.*

*Каттакон карвоннинг улуг йўлида  
Яхшию ёмонни кўрайлик баҳам.  
Мирзо Улугбек бор ахир тилида,  
Табриклаб қўяйлик Шавкатбекни ҳам<sup>1</sup>.*

\*\*\*



Оқсаройда жамулжам бўлган мустақилликни эълон қилиш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш, шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз номини Ватанга қайтаришдек масъулиятли ҳамда шарафли ишларга муносиб ҳисса қўшгани учун тарихий сессияда қатнашаётганлар орасида, Абдулла аканинг юқорида келтирилган шеърий икки – даҳо тўртликда алоҳида тилга олганидек, **Шавкатбек исмли инсон ҳам бор** эди.

Шу ўринда, аввалдан айтиб қўйишимиз керакки, ўша мисраларни ўқиганимиздаёқ, дарҳол хаёлимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймоси келди. Нима учун деган саволга жавоб топиш учун мамлакатимиз раҳбарининг мустақиллик арафасидаги ва истиқтолнинг дастлабки йилларидаги қизғин ижтимоий-сиёсий фаолияти хусусида муҳтасар фикр юритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Атоқли ҳукуқшунос олим Акмал Сайдов қайд этганидек, замон талаблари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Олий Советига сайлов тўғрисидаги янги қонун асосида 1990 йил 18 февралда ҳалқ депутатлари Ўзбекистон Олий Советига ўтказилган сайловда Тошкент шаҳар Қорасув сайлов округидан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев депутат сифатида сайланган эди.

\*\*\*

1991 йил 31 августдаги тарихий навбатдан ташқари сессияда қатнашгани ва энди Абдулла Ориповнинг қўлёзмасидаги шеърий парчада қайд

<sup>1</sup> Ўзбекистон – дилбар Ватаним. “Академнашр”. Т.: 2021. 305 б.

*этилган инсон шахсини аниқлаши учун ўша мисраларни янада чуқурроқ талқин қилиши фурсати етди, деб ўйлаймиз. Шоир буюк Соҳибқироннинг номидан:*

*Мирзо Улуғбек бор ахир тилида,  
Табриклаб қўяйлик Шавкатбекни ҳам,  
– демоқдалар.*

Бу масаланинг моҳияти нима сабабдан айнан Мирзо Улуғбек исмишарафига урғу берилгани замирида яширин, назаримизда.

Шу ҳолатга имкон қадар аниқлик киритишга уриниб кўрамиз. Модомики, Абдулла ака “Темур” шеърини 1993 йили ёзган бўлса, худди ўша давр-да, яъни 1992-1996 йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимида фаолият олиб борган.

Шундай қилиб, атоқли шоир Абдулла Орипов кейинчалик, яъни 1994–1995 йиллар оралиғида “Темур” шеърини янги бандлар билан тўлдириш мақсадида битган ўша тарихий қўллётзмадаги шеърий мисралар мағзига Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ана шу хайрли ишлари учун эл-юртимиз номидан Соҳибқирон бобомиз тимсолида изҳор этилган миннатдорчилик сўзлари сингдирилган бўлса не ажаб!”<sup>1</sup>.

Улкан сўз санъаткори, нодир истеъдод эгаси Абдулла Ориповнинг бетакрор ижоди ўзининг ҳаётийлиги ва адолатга йўғрилганлиги билан ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олди. Ардоқли шоирнинг турмуш ўртоғи Ҳанифа Мустафоева “Эзгуликнинг умри боқий” мақоласида шундай қайд қиласди:

*Шоирни умрининг сўнггида ёлғизлик ва эътиборсизлик жуда қийнади. Доим ҳалқ ва давлат ардогида юрмаганми, бундан қаттиқ сиқилди. Анчайин хонанишин бўлиб қолди. Лекин шундай кунларда ҳам биргина Инсоннинг – ўша вақтларда мамлакатимизнинг Бош вазири бўлган Шавкат Мирзиёевнинг доимий йўқлаб туриши Абдулла акага эртанги кунга ишонч ва умид берарди. “Шавкат деган бир инсон бор-да, гайрати доим жўшиб туради, – деб кўп гапиради Абдулла ака. – Кўзида, сўзида улкан меҳрни туяман”.*

*Абдулла ака давлат ишидан бўшаб, уйда ўтирганида ҳам ҳар Наврӯзда, түғилган куни – 21 марта, Давлат мадҳияси тасдиқланган кун – 10 декабря бу Инсоннинг номидан табрикномалар, совга-саломлар*

<sup>1</sup> Ўзбекистон – дилбар Ватаним. “Академнашр”. Т.: 2021. 307 б.

келарди. Буни кўрган шоирнинг қувончдан боши осмонга етар, баъзан кўзларига ёш олиб, “шу инсон бор экан, юким ерда қолмайди”, дердилар<sup>1</sup>.

Академик Акмал Саидов ва шоир Ғулом Мирзонинг “Сен баҳорни соғинмадингми?..” номли китоби ҳам нодир истеъдод эгасининг абадий хотирасига муazzам соғинчномадир. Зеро, давлатимиз раҳбари эътироф этганидек: “Бундай самимий ва дилбар шахс, халқимизнинг қалбини, юрагини ўлмас асарлари билан юксак пардаларда тараннум этиб келган ноёб ва бетакрор истеъдод эгаси камдан-кам топилади.

...Буни ҳозирги янги еттилиқда жуда ҳам сезиб, англаб турибмиз. Худдики, Хизр сифат шоир Абдулла Орипов орамизда, янги Ўзбекистонни барпо этишда қатнашиб, минбар шоир шеърлар ўқиётгандай туюлаверади.

Унинг илк тўрт томлигини олтмиш йилликда нашр қилдик. Мен тўртинчи бадиий публицистик масъул муҳаррир бўлганман. Ҳозирги пайтда ўзбек ТВида Абдулла Орипов бадиий фильмни намойиш этилмоқда. У ҳақда афсонага айланган Абдулла Орипов тўғрисида илмий-назарий ва ижодий-амалий изланишлар давом этаверади...<sup>2</sup>

## РЕЗЮМЕ

Атоқли шоирнинг ушбу шеъри парчасида ўта назокат ила “Шавкатбек” – Шавқата Мирзиёева номи келтирилади ҳамда Унинг Шоирга кўрсатган эътироф ва эътиборлари ушбу мақолада ифода қилинган.

\*\*\*

В этом стихотворении известного поэта очень деликатно упомянуто имя “Шавкатбек” – Шавқата Мирзиёева – признание и внимание Его, оказанное Поэту – выражены в этой статье.

\*\*\*

In this poem by the famous poet, the name of “Shavkatbek” – Shavkat Mirziyoyev – is very delicately mentioned – His recognition and attention given to the Poet are expressed in this article.

(“Халқ ва армия – бир тану бир жон”  
журналининг 2024 йил 2-сонидан ижодий тарзда олинди).

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2021 йил 18 март.

<sup>2</sup> Ўша газетадан олинди.

**Farxod XOTAMOV,**  
*IV Malaka oshirish instituti kafedra boshlig'i,  
siyosiy fanlar doktori (DSc)*

**AMIR TEMUR SALTANATIDA QONUN USTUVORLIGI  
INSONPARVARLIK TAMOYILLARINING ASOSI DEMAK**

Amir Temur butun bir **yangi** davr – Sharq uyg'onishining ikkinchi bosqichini yaratgan jahonshumul alloma bo'lgan. Ma'lumki, Sharq, Renessansining birlinchi bosqichi IX asrning ikkinchi yarmidan XIII asr mo'g'ullar istilosigacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Amir Temur va temuriylar esa Markaziy Osiyo va umumjahon sivilizatsiyasiga ulkan hissa qo'shgan "Temuriylar Renessansi" davrini boshlab bergen. Uning tarixini o'rganish uchun salkam qirq yilga yaqin tadqiqotlar olib borgan L.Kerenning ta'kidlashicha: "Bir tomonda qattiqqo'l Temur tursa, ikkinchi tomonda ilm ahlini qutlab, himoyasiga oladigan Temur turardi; bir tomonda butun-butun shaharlarni zabit qiluvchi Temur bo'lsa, ikkinchi tomonda obidalar, madrasalar, anhorlar qurduruvchi va bog'lar barpo ettiruvchi Temur turadi. Bu murakkab shaxs muarrixlar uchun ham jumboq bo'lib qolmoqda" deb yozgan [1. B. 35-36].

Mamlakatimizda Amir Temurning adolatli jamiyat barpo etish yo'lidagi sa'y-harakatlari, uning bugungi davlatchiligidan yangi mazmun bilan boyitishda tutgan o'rni, davlat ishlarida vatanparvarlik va xalqparvarlik, halollik va adolat, sadoqat va diyonat kabi axloqiy tamoyillarni o'rganishga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Amir Temur merosini o'rganish shuning uchun ham zarurki, u tuzgan adolatli saltanatda siyosat yuritish tajribasi hozirgi zamon taraqqiyotida g'oyat muhim o'rin egallaydi.

Sobiq Ittifoq davrida taniqli akademik Ibrohim Mo'minov Amir Temur adolatli siyosiy va axloqiy qarashlarni ilgari surgan sifatida ob'ektiv yondashish kerakligini asoslab bergen. Ibrohim Mo'minov tomonidan "Amir Temurning O'rta Osiyo tarixida tutgan o'rni va roli" risolasida o'zbek matbuotida uzoq vaqtgacha Amir Temur siyosining ijobiy tomonlarini ochuvchi fikrlar ko'zga tashlanmadni. Olim o'z asarida mamlakat siyosiy, ma'naviy, ijtimoiy hayotidagi rolini to'g'ri ko'rsatib, Amir Temurning shaxsini ulug'lagan.

Amir Temur o‘z siyosati va amaliy faoliyatini insonparvarlik tamoyiliga tayanib olib borgan. Amir Temurniig insonparvarlik tamoyillariga to‘liq, rioya qilib, siyosat yurgizganligi bir necha manbalarda keltirilgan. Amir Temurning tarixini o‘rganishda borasida fransuz tarixchisi Jan Pol Ru shunday yozadi; “Temurning O‘zi ikki asar yaratgan: xotiralar (Mazlufot) va qonunlar majmuasi – “Tuzuklardir” [2]. Sohibqiron o‘z siyosatda insonparvarlik tamoyillarni nazariy manba deb bilgan va ularga amal qilgan. Bunda Temur so‘zsiz ustozlarining maslahatlariga amal qilgan va qonun qoidalarning kengashlar yordamida ishlab chiqib tasdiqlagan. Bu haqda Temurniig o‘zi shunday yozadi: “Men yigirma yoshga to‘lganimda sayohat qilmoqchi bo‘ldim. Lekin avval Shayx sayohatimga duoyi fotiha berib, belimga kamar bog‘lab, boshimga quloch kiygizdi va menga bir chig‘anoq uzuk tortiq qildi, uning ko‘zida “Rosti-rusti” so‘zлari yozilgan ediki, uning ma’nosи haqqoniylig va odillik har qanday balodan xalos qiladi”, demakdir [3. B. 18].

Ibn Arabshoh Amir Temur tamg‘asidagi bu ilohiy so‘z ma’nosiga to‘xtalib shunday yozadi: “Temur tamg‘asining naqshi “Rosti-rusti” bo‘lib, bu haqquy bo‘lsang, najot topasan demakdir”, deyiladi. Sharafiddin Ali Yazdiy esa Temur tamg‘asidagi bu sufiyona so‘zlarni “Xaq bo‘lsang, zafar topasan”, deb izohlaydi. Hatto, Amir Temur o‘zining davlat ramzini (muhrini) belgilashda ham tariqat ta’limotiga amal qilganligi sezilib turgan. Chunki Sharafiddin Ali Yazdiyning qayd etishicha, Amir Temurning harakterli xususiyatlaridan biri – davlat, mamlakat, fuqarolarning g‘amxo‘rligi edi. Uning qoidasi “rasti-durusti” edi. Haqiqat – sihat-salomatlik, haqiqat - tartib, haqiqat - adolat, demakdir deb tushuntiradi. [4. B. 117]

Mavlono Alisher Navoiy ham “Hayrat ul-abror” asarida “Rosti-rusti”, haqida to‘xtalib, avvalo borliq, uyi shu to‘g‘ri ustunlar bilan tik va ular qorong‘u uy burchagidan tushib turuvchi nur va jami majlisni bezatuvchi ekanligini yozadi. Navoiyning yozishicha, Sulaymon ham, podshoh haq payg‘ambarlikka erishib, butun mavjudot uning tasarrufida bo‘lgan. Insondan boshlab dev, pari, hayvon, xullas chumoligacha unga tobe, hatto shamol ham uning hukmiga qaragan. Bu ishlarning barchasi uning qo‘lidagi uzuk xususiyatidan sodir bo‘lgan [5. B. 205]. Lekin, Alisher Navoiy “Rosti-rusti”ni har qanday duodan ustun qo‘yadi va unga dunyoviylik, siyosiy boshqaruvda adolatlilik qiyofasini beradi.

Amir Temur o‘z siyosatidaadolat, haqqoniylik va odillikka tayanib ish tutgan. Chunki o‘z siyosatida haq, yo‘lini tanlagan Temur bundan boshqacha siyosat yurgizishi mumkin emas edi. U nimaiki qilsa shariat doirasida, musulmon fiqhi qoidalariga tayanib va umuman Islom ahkomlari bilan ish tutgan. Bu esa Temurning o‘z piri Abubakr Toybodiyning “rosti-rasti” ya’ni, “haqqoniylik va odillik har qanday balodan xalos qiladi”, deyilgan nasihatlarning amalga oshirilishidir. L.Lyangle va G.Vamberi, L.Kerenning asarlarida “rosti-durusti” boshqacha transkripiyada “rosti-rusti” deb berilgan va haqiqat - xaloskor, ya’ni haqiqat xavf-xatardan xalos etadi, deb yozilgan. Fransuz tarixchisi L.Keren esa “rosti-rusti”ni - “Agar qalbing pok bo‘lsa, erkinsan” deb talqin qilgan. Temur butun umri davomida o‘zining ham ichki ham tashqi siyosatida bu buyuk hikmatga sodiq qolgan va xuddi shu “rosti-rasti”, ya’ni “haq bo‘lsang najot topasan” hikmatini Temur o‘z tamg‘asiga muhr sifatida o‘rnatgan.

Temurbekning tamg‘asidagi ikkinchi asosiy tushuncha qonun ustuvorligidir. Uning nazarida, avvalo, qonunlaradolatli va insonparvar bo‘lishi kerak va xalq, uchun manfaatlifoyda keltirishi, uning ijtimoiy muhofazasini ta’minlashi zarur bo‘lishi kerak bo‘lgan. Lekin, ijtimoiy, siyosiy, madaniy kenglikni to‘la, hamma odamda bir xil amalga oshmasligini bilgan Temur bu ishda ma’lum darajada qattiqqo‘llikka asoslanib ish ko‘rgan. Chunki ijtimoiy tengsizlik mavjud bo‘lgan har bir jamiyatda qonun, saltanat to‘ra - tuzugi va shariat qoidalarining buzilishi mumkinligini Temur tushungan. Shuning uchun ham u “men fuqaroni qo‘rqinch va umidda tutdim”, degan gaplarini bekorga aytmagan. Ryui Gonzales de Klavixo, “Samarqandda qonunga qattiq rioya qilinar edi, shuning uchun ham hech kim sen’orning (Amir Temurning) buyrug‘isiz birovga tazyiq o‘tkazolmaydi va qanday bo‘lmasin kuch ishlata olmaydi” deb yozgan [6. B. 139]. Qonunlarga faqat markazda emas, balki bo‘ysundirilgan mamlakatlarning hududlarida ham rioya qilingan. Bu muammo borasida Amir Temurning alohida o‘z qoidasi bo‘lgan, unda yozilishicha: “Tobe’ mamlakatlarning aholisi kutilmagan hodisalardan, qatldan, zo‘ravonlik va asirlikdan himoya qilinsin. Ularning mulki talon-tarojlikdan saqlansin” deb farmon bergen.

Qonun ustuvorligi Amir Temur davrida shunday bo‘lganki, jinoyatga tortiluvchining aybi faqat to‘rt guvoh oldida isbot qilingandan keyingina uning ustidan hukm chiqarilgan.

Amir Temur, fan va madaniyat taraqqiyoti – jamiyatning ma’naviy asosi ekanligini o‘z harakatlari orqali amaliy jihatdan ko‘rsatib bergan. Jumladan, o‘zi asos solgan markazlashgan davlat hududida madrasalar, maktablar qurdirdi, ilm bilan shug‘ullanuvchi o‘qituvchilar uchun nafaqalar tayinladi, xalqqa bir qator qulay imkoniyat va sharoitlarni yaratib bergan. Bu bilan nafaqatadolatli va oqilona davlatni boshqarish salohiyatini, qolaversa, mamlakat hududida axloqiy tamoyillarni qaror toptirishda ham katta namuna sifatida tarix sahifalaridan joy olganligini aytish zarur.

Amir Temur insonparvarlik tamoyillariga davlatni idora qiladigan siyosiy tamoyil sifatida emas, balki uni xalqqa eng yaqin va ma’qul bo‘ladigan qoida ekanligi uchun siyosiy boshqaruvda qo’llagan. Temur davlatning obro‘sii, sharafi, manfaati borasida g‘oyat qattiqqo‘l bo‘lgan. U bunday paytlarda o‘zini ham, o‘g‘il va neveralarini ham harbiy boshliqlarni ham ayamagan. U davlat ishlarida g‘oyat mustahkam sobit va barqaror turgan.

Alisher Navoiy ham o‘zining “Majolis un-nafois” asarida Temurning davlatni boshqarish uslubi haqida to‘xtalib, “Temur farmonlarini bajarmaganlar, kayfu-safoni o‘ziga kasb qilib olganlar qattiq jazolanar edi” deb yozgan [7. B. 86].

Haqiqatdan ham fransuz tarixchisi L.Keren ta’kidlaganidek “Temur dahshatli sarkarda, shu bilan birga buyuk tashkilotchi, san’atkor va olimlar rahnamosi, moziy yo‘rig‘ini o‘zgartira olgan shaxslarga yo‘ldosh, sehrga ega bo‘lgan kishidir” deganda mutlaqo haq bo‘lgan [0. B.40].

Sohibqiron tomonidan odamlarga nisbatan adolat yuzasidan hamma vaqt kechirimli va mehr-shafqatli bo‘lish va qo‘lidan kelgan barcha yaxshiliklarni ayamaslik yo‘li bilan ularni axloqqa zid bo‘lgan yomon illatlardan qutqarib olishga doimo harakat qilgan. Amir Temur turli mamlakatlarning aholisini yo‘l-yo‘riqqa solish va maosh tayinlashda, avliyolar va din pershvolarining mozorlarini tuzatish, vaqf va nazr ishlarini tartibga solishda ham Tuzuklari ya’ni, qonunlari asosida ish yuritgan. Bu qonunga binoan fath etilgan davlat sipohiyllari o‘z ixtiyorlari birlan uning panohiga kelsalar Temur ularni navkar qilib olgan. Shu davlatlarning raiyati yomon hodisalardan, qatl etilishdan, asiru

band etilishdan muhofaza qilingan. Ularning molu mulki, buyumlari talon-taroj qilinmagan. O'sha mamlakatlardan olinadigan o'lja, soliqlar, miqdori aniq hisobga olingan. Sayyidlar, ulamo, mashoyix, fuzalo, akobirlar aziz tutilgan. Temur, ayniqsa, dehqonlar hayoti bilan yaqindan shug'ullanib, ularga shart-sharoitlar yaratib berishni amirlardan talab qilgan. Faqiru miskin, biron kasb qilishga ojiz, shol-ko'r larga nafaqa belgilagan.

Tahlillarga ko'ra, Amir Temur adolatli hukmdor sifatida o'zining tajribalari va falsafiy qarashlarini "Temur tuzuklari" asarida aks ettirgan bo'lib, ushbu asarning axloqiy mazmunini ilmiy tadqiq etish o'zbek milliy axloq falsafasini rivojlantirish jarayonida katta ahamiyatga ega deb ta'kidlash mumkin.

Amir Temur do'stu-dushmanga muomala qilish bobida chuqur mulohaza yuritgan. "Menga hasad qilib, o'ldirishga qasd qilgan kishilarga shunchalik sovg'a-in'omlar berib, muruvvatu ehson ko'rsatdimki, bu yaxshiliklarni ko'rib, xijolat teriga g'arq bo'ldilar..." deb qayd etadi Amir Temur o'z tuzuklarida [9. B. 90].

Xulosa qilib aytganda, Amir Temur qaysi bir mamlakatni zabit etmasin, bu yerlarda adolat va ma'rifat ishlarini rivojlantirishga amirlar, hukmdorlarining diqqat-e'tiborlarini jalb qilgan. Shuning uchun ham Temurni qachonlardir o'ta zolimlikda ayblagan tarxchilarning fikrlarini, bugungi kunning manbalarga tayangan, haqqoniy tadqiqotlari buning aksini ko'rsatib bermoqda. Amir Tyemurning siyosiy faoliyatida va qarashlarida yomonlik emas yaxshilik, urush emas tinchlik, bosqinchilik, talon-tarajlik emas, tejamkorlik kabi tomonlari ustun turgan.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Л.Карен, А. Саидов. "Амир Темур ва Франция". Тошкент, Адолат. 1996.
2. Roux I.P. Tamerlane. 1994 p<sup>2</sup> 344.
3. Темур тузуклари. Т.: Фан ва технология. 2014.
4. Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". Т.: 1996.
5. Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аббор". Муқаммал асарлар тўплами. Т.: 2006.
6. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Русчадан О.Тогаев таржимаси Санъат. 1990.

7. Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис”. 12-том. Т.: 2006.
8. Темур тузуклари. Т.: Фан ва технология. 2014.
9. Ўша асар.

### **REZYUME**

Ushbu maqolada Amir Temur sultanatidagi qonun ustuvorligi insonparvarlik tamoyillarning asosi. Amir Temur davlat boshqaruvida qonun ustuvorligini insonparvarlik qoidalarining nazariy manbasi deb bilgan. Davlat ishlarini muvafaqiyatli boshqarishida va adolatli qarorlar qabul qilishida kengashlarning o‘rni katta bo‘lgan.

\*\*\*

В данной статье верховенство закона в царстве Амира Темура является основой гуманитарных принципов. Амир Темур считал верховенство закона в государственном управлении теоретическим источником гуманитарных правил. Советы играют большую роль в успешном управлении государственными делами и принятии справедливых решений.

\*\*\*

In this article, the rule of law in the kingdom of Amir Temur is the basis of humanitarian principles. Amir Temur considered the rule of law in state administration to be the theoretical source of humanitarian rules. Councils have a great role in the successful management of state affairs and making fair decisions.

**Олимжон СУБАНОВ,**  
*Малака ошириши институти Юридик фанлар кафедраси  
катта ўқитувчичи, подполковник*

## ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ЖИНОИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор ҳисобланади, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни эса бекиёсdir. Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида, Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир дейилган.

Конституциянинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

**Оиладаги зўравонлик деганда**, зўрлик ишлатиб шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, мулки ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлиги қарши содир этиладиган жиноят тушунилади. Бу борада Қ.Пайзуллаев “зўрлик ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятлар деганда, зўрлик мақсадга эришиш воситасигина эмас, балки жиноят мотиви ҳам, элементи ҳам бўладиган жиноий қилмишлар тушунилади”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Оиладаги зўравонликнинг жиноий-хуқуқий тавсифи мазкур турдаги зўравонлик ёки оила-турмуш доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг жиноят-хуқуқий жиҳатдан қандай квалификация қилинишига боғлиқ. Шу жиҳатдан қаралганда оиладаги зўравонлик ҳам майда майший низолардан тортиб оила-турмуш доирасидаги маъмурий хуқуқбузарлик, ҳатто жиноятга ҳам олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида 42 та ўринда “зўрлик” тушунчаси қўлланилган бўлса, шундан 2 та ҳолатда (98 ва 106-моддаларда)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145#6445716>.

<sup>2</sup> Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Тошкент, 2009. – Б. 13.

“ғайриқонуний зўрлик” атамасидан фойдаланилган. Мазкур 2 та ҳолат ҳам кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати билан боғлиқ. Зўрлик тушунчаси билан боғлиқ яна бир муаммо унинг қасддан содир этиладиган ва эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган қилмишларга алоқадорлиги юзасидандир. Бу борада ҳам олимлар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Бироқ, мазкур қараш Қ.Пайзуллаев томонидан танқид қилиниб, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар эҳтиётсизликдан эмас, балки қасддан содир этилади<sup>1</sup>, деган фикрни илгари суради. Шунингдек, бу фикр Л.Сердюк томонидан қўллаб қувватланади, унинг фикрича, айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этиладиган жиноятлар учун зўрлик хос эмас<sup>2</sup>.

Бизнингча ҳам зўрлик тушунчаси фақат қасддан содир этиладиган қилмишларга нисбатан қўлланилади. Зотан, бирор шахсга зўрлик ишлатиб, унга зўрлик ишлатилаётганини билмаслик мумкин эмас. Шахс, албатта, қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди.

**Оиладаги жиноятлар деганда** оиласида унинг бир аъзоси бошқа аъзоларга қарши содир этувчи жиноятлар тушунилади. Бунда эр-хотин ўртасидаги муносабатлар юридик жиҳатдан қонунийлаштирилган ёки қонунийлаштирилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Оиласида ҳар хил (фаразгўйлик, жинсий ва бошқа) жиноятлар содир этилади. Бироқ уларнинг орасида бир оила аъзоси бошқа оила аъзосига нисбатан зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятлар, шу жумладан фарзандкушлик ҳамда болаларга қарши бошқа жиноятлар кўпчиликни ташкил этади.

Маълумки, жиноят қонунчилигига “оиладаги зўравонлик” жинояти мавжуд эмас. Юқорида қайд этилганидай оиладаги зўравонлик бу ижтимоий-хуқуқий тушунча ҳамда ижтимоий-хуқуқий муаммо.

Оиласида зўравон шахс хатти-ҳаракатларини жиноят-хуқуқий жиҳатдан баҳолаганда асосан қўйидаги жиноятлардан бири билан қилмишни квалификация қилиш мумкин: қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст

<sup>1</sup> Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. –Т., 2009. –Б.18.

<sup>2</sup> Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. –М., Юрлитинформ, 2002. –С.14.

етказиш (106-модда), қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши (112-модда), жиноий равишида ҳомила тушириш (аборт), (114-модда), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишида туширишга мажбурлаш (115-модда), хавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиши (118-модда), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиши (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш (125<sup>1</sup>-модда), тиланчилик қилиш (127<sup>1</sup>-модда), одам савдоси (135-модда), аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда) ва бошқ.

Қайд этиши керакки, оиладаги зўравонлиқда ифодаланадиган қилмишлар субъектив томондан айбнинг тўғри қасд шаклида амалга оширилади. Шунингдек, унинг мотиви рашқ, ўч олиш, жинсий устунликни намоён этиши каби мотивлар билан содир этилади.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг асосий хусусиятларидан бири мазкур турдаги қилмишлар – тажовуз обьектининг жамиятдаги энг асосий институтлардан бири, оиланинг барқарорлиги, соғломлиги, ундаги оила аъзоларининг соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардан иборатлигини билан изоҳланади.

Умумий кўринишда оиладаги зўравонликни қуйидагиларга ажратиш мумкин: аёлларга нисбатан зўравонлик; болаларга нисбатан зўравонлик; қариндошларга нисбатан зўравонликдир. Оиладаги жиноий зўравонликнинг келтириб ўтилган таърифлари бир шахснинг иккинчиси устидан унинг соғлиғи ёки ҳаётига зарап етказиш мақсадини кўзда тутиб, унинг ихтиёрига қарши қасдан жисмоний куч ишлатишига келиб тақалади.

Шуни ҳисобга олганда, тадқиқот предметини оилада зўрлик ишлатиш биринчи ўринда турадиган шахсга қарши жиноятлар ташкил этади. Бу, энг аввало, ЖКнинг Махсус қисмининг “Ҳаётга қарши жиноятлар” деб номланган I бобидан ўрин олган жиноят таркибларидир. Бунда биз қўйидаги омилларни ҳисобга олдик. Ижтимоий хавфлилик даражаси айниқса баланд бўлган жиноятлар қасдан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-

моддаси) ва қасдан одам ўлдиришга сүиқасд қилиш ҳамда қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 104-моддаси)дир. Мазкур жиноятлар аксарият ҳолларда муайян умумий қонуниятлар билан тавсифланади ва ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган.

Жиноятларнинг мазкур гуруҳига бизнингча номусга тегиши ҳам киритиш ўринли бўлади. ЖКнинг Махсус қисми “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган биринчи бўлимида “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар” деб номланган IV боб алоҳида ажратилган бўлиб, унга номусга тегиши жинояти (ЖКнинг 118-моддаси) ҳам киритилган.

Худди шундай оиласда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар – кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш (98-модда), онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши (99-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (100-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (101-модда), ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда), қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш (108-модда), қасдан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда), қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), одам ўғрилаш (137-модда), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда) тадқиқ этилиши мумкин, аммо мазкур ишда улар ё биз танлаган тадқиқот обьектини тўлдиради, ё унинг чегарасидан ташқарида қолади. Айни ҳол шу билан изоҳланадики, биринчидан, номлари зикр этилган жиноятларнинг аксарияти шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган барча жиноятлар орасида жуда кичик улушни ташкил этади (масалан, 103, 110-моддалар), иккинчидан, уларнинг аксарияти ижтимоий хавфлилик

даражаси унча баланд эмаслиги билан ажралиб туради, учинчидан, уларнинг бир қисми шу даражада бетакрор хусусиятга эгаки, уларни криминологик жиҳатдан алоҳида тадқиқ этиш талаб этилади (масалан, одам ўғрилаш ва зўрлик ишлатиб ғайриқонунй равишда озодликдан маҳрум қилиш). Бундан ташқари, қўрсатилган жиноят турларининг айримлари ўта латентлик билан тавсифланади, статистик жиҳатдан яхши таъминланмаган ва маҳсус профилактика чоралари тизимини ишлаб чиқиши ва қўллашни доим ҳам талаб этавермайди.

Айни вақтда, шуни назарда тутиш лозимки, расмий статистика “одам ўлдиришлар” бўлимида бир нечта жиноят таркибларини бирлаштиради: 97- модда (қасддан одам ўлдириш ва унга сүиқасд қилиш), 98-модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) ва онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши (99-модда).

Жиноят хуқуқи назариясида жиноят содир этиш босқичлари фарқланади. Улар ичида *сүиқасд қилиши* жиноий тажовузнинг бошланганлигини, бироқ жиноят содир этаётган шахснинг иродасига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмаслигини англатади.

Юқорида қайд этилганларга кўра Бош қомусимизда нафақат жиноий тажовузнинг бошланиши, балки тажовузнинг ўзиёқ энг оғир жиноят сифатида белгиланиши инсон хуқуқ ва эркинликлари, хусусан инсоннинг яшаш хуқуқини конституциявий мақомда муҳофаза қилишга хизмат қиласиди.

Шу жиҳатга кўра Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 25-моддасидаги “Инсон ҳаётига **сүиқасд қилиш** энг оғир жиноятдир” жумласини қўйидагича ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

“25-модда. “Инсон ҳаётига **тажовуз қилиш** энг оғир жиноятдир”.

Юқоридагиларга кўра, оилавий зўравонликка қарши курашда ҳар бир шахс масъул эканлигини, шахснинг шаъни қадр-қиммати доим қонун ҳимоясида эканлигини ва қонунчиликда унга берилган хуқуқ қаерда бошланиши ва қаерда тугаши лозимлигини асло унутмаслиги лозим. Зоро, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик хуқукларига эгадир.

Хотин-қизларга нисбатан тазийк ва зўравонлик натижасида вужудга келадиган низоларнинг сабабларини ўрганиш ва олдини олиш мақсадида

суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари амалиётида оиласдаги зўравонликка қарши курашиш малакаси ва кўникмасини ошириш мақсадида бу тоифадаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурларига “Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш” мавзусини киритиш мақсадга мувофиқ.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада оиласдаги зўравонликнинг жиноий-хуқуқий тавсифи, оиласда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тушунчаси, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳrirдаги Конституциясига таклифлар ва олимларнинг фикрлари ҳамда ўрганилган тадқиқот натижаларининг амалий мисоллари билан ёритилган.

\*\*\*

В статье раскрыты уголовно-правовая характеристика семейного насилия, понятие преступлений, связанных с насилием в семье, рассмотрены предложения внесенные в новую редакцию Конституции Республики Узбекистан, мнения ученых, а также практические примеры результатов исследований.

\*\*\*

The article reveals the criminal legal characteristics of domestic violence, the concept of crimes related to domestic violence, considers proposals made to the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the opinions of scientists, as well as practical examples of research results.

**Рустам ДЖУРАБАЕВ,**  
*преподаватель кафедры боевой подготовки Института повышения  
квалификации МВД, подполковник*

## НЕКОТОРЫЕ ЗНАЧЕНИЯ ТАКТИКИ ЗАДЕРЖАНИЯ РОЗЫСКИВАЕМЫХ ПРЕСТУПНИКОВ

Одним из необходимых средств борьбы с преступностью является своевременное задержание лиц совершивших общественно-опасное деяние и скрывающихся от следствия и суда. Это средство имеет важное значение в реализации принципа уголовного процесса о неотвратимости наказания лиц совершивших преступление.

Следует отметить, что научные исследования по совершенствованию розыска лиц, совершивших преступления, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира. Подобные исследования проводятся в таких научных учреждениях как: National Institute of Justice (США), Ecole nationale superieure des officiers de police (Франция), National Research Institute of Police Science (Япония), National University Australia (Австралия), University of Toronto (Канада), Peking University (Китай), Tel Aviv University (Израиль), Московском университете МВД Российской Федерации (Россия), Академии МВД Республики Беларусь, Академии МВД Республики Таджикистан, а также в Академии МВД Республики Узбекистан[1, с.32].

С точки зрения криминалистической тактики, задержание разыскиваемых преступников имеет большое практическое значение. Процесс задержания осуществляется посредством алгоритма последовательных действий и применения, использования тактических приемов, знание которых гарантирует успешную реализацию целей уголовного преследования[2, с.30]. Тактику задержания должен знать и умело применять каждый сотрудник правоохранительных органов ответственный за розыскную деятельность и установление местонахождения скрывающихся преступников объявленных в розыск.

Задержание разыскиваемых преступников можно представить как комплексную технологию реализующую алгоритм действий сотрудников

осуществляющих розыск преступников. В законодательных актах оно применяется для обозначения процесса задержания разыскиваемых, в зависимости от видов розыска (государственный, межгосударственный или международный) каждый из которых специфичен по своей правовой природе, основаниям и порядку осуществления[3, с.65].

Среди зарубежных ученых фундаментальное исследование о розыске провел С.В. Бажанов. Он отметил, что в качестве объектов розыска, по общему правилу, могут выступать лишь установленные (известные) участники уголовного процесса, приобретшие необходимый процессуальный статус (подозреваемые, обвиняемые, подсудимые и осужденные), а не абстрактно лица, скрывшиеся от органов дознания, следствия и суда[6, с.25].

Н.В. Попков относительно задержания подозреваемого и обвиняемого как вида государственного принуждения, отмечает, что задержание обвиняемого имеет особые основания, цели, мотивы и условия. [7, с.4].

На основании вышеизложенных мнений ученых можно прийти к мнению, что тактика задержания разыскиваемых преступников является отдельным комплексным институтом криминалистики, определяющим тактические правила задержания скрывающихся преступников. Это имеет важное значение для практических работников осуществляющих розыскную деятельность, которые должны знать и уметь применять тактические приемы задержания разыскиваемых преступников.

Изучение мнений практических работников осуществляющих розыскную деятельность показало, что только часть сотрудников уголовного розыска обладают знаниями и практическими навыками тактики задержания обвиняемого, находящегося в розыске. Это свидетельствует об актуальности проведения необходимых исследований в сфере совершенствования тактических приемов задержания разыскиваемых преступников.

По мнению З.К. Жабборова несовершенство правового порядка задержания лиц, совершивших преступления выражается в неполной оснащенности правоохранительных органов современными техническими средствами и технологиями, позволяющими выявить и задержать лиц, совершивших преступление.

Также важное место занимает законодательная регламентация оснований и порядка задержания непосредственно влияющая на тактику его проведения, что способствует результативности и обеспечивает безопасность его участников.

А.В. Павлов отмечает, что основания для задержания разыскиванного обвиняемого базируются не на предположении о причастности его к совершению преступления, а на фактических данных, равных по своей юридической силе совокупности доказательств, достаточных для возбуждения перед судом ходатайства о заключении под стражу.

В сущности особенности задержания разыскиваемого преступника, с криминалистической точки зрения, представляет собой систему научно обоснованных рекомендаций о наиболее рациональном способе действий при осуществлении собственно задержания. Эти рекомендации имеют значение для алгоритма деятельности органов непосредственно осуществляющих задержание разыскиваемых посредством определенных тактических приемов.

Непосредственный процесс самого алгоритма включает в себя подготовку к задержанию, а именно изучение личности задерживаемого, изучение места задержания, определение времени задержания, составление плана задержания, подбора и распределения обязанностей сотрудников задействованных в задержании, их предварительный инструктаж, оснащение техническими средствами.

Непосредственное задержание разыскиваемого осуществляется с использованием криминалистических и оперативно-розыскных учетов и посредством взаимодействия, при задержании разыскиваемых другие структурные подразделения правоохранительных органов, общественные органы и граждане.

Выбор места задержания разыскиваемых и его предварительное изучение производятся для уменьшения тактического риска для сотрудников уголовного розыска органов внутренних дел на которых возложены задачи задержания. Место задержания должно быть максимально безопасным для сотрудников, осуществляющих задержание, и окружающих лиц. Должны быть созданы условия для обеспечения

возможности применения специальных и технических средств во время операции по задержанию разыскиваемых преступников.

Подготовительные мероприятия начинаются с предварительного изучения предполагаемого места задержания разыскиваемого преступника с целью оптимальной организации задержания. Это направлено на возможность свободной ориентации на месте, планирования расстановки участников задержания, определения пунктов предварительного наблюдения и разработки маршрутов движения и мест расположения сотрудников и транспортных средств.

На месте задержания разыскиваемых преступников возможно проведение некоторых организационно-тактических мероприятий. Так, в целях блокирования разыскиваемым преступникам возможных путей отхода можно на некоторых дорогах начать ложные ремонтно-восстановительные работы под видом представителей различных коммунальных служб, расставить вблизи места задержания сотрудников уголовного розыска, скрыто расположить автомобили с оперативными сотрудниками, которые по условному сигналу перекроют проезд.

Задержание разыскиваемых должно осуществляться в условиях, максимально невыгодных для них условий и наиболее благоприятных для задерживающих сотрудников уголовного розыска.

Время задержания выбирается с учетом возможности обеспечения безопасности участникам захвата и посторонним гражданам, внезапности задержания для преступников, возможности захвата с минимальным сопротивлением задерживаемых.

Состав группы формируется с учетом количества преступников, степени их опасности, вооруженности и предполагаемого развития ситуации при задержании. В любом случае группа захвата должна иметь численное преимущество. Количество членов группы захвата набирается из расчета 2-3 сотрудников уголовного розыска на одного разыскиваемого преступника. Целесообразно разделение функциональных ролей членов группы задержания.

По мнению О.А. Агеева содержание криминалистического обеспечения задержания, его нормативную основу составляет описание элементов криминалистической характеристики, понятие

криминалистической операции по задержанию подозреваемых и следственные ситуации, определяющие тактику проведения задержания. Также Т.А. Ткачук определяет, что в качестве основания для задержания разыскиваемого лица может быть запрос (форменное извещение) о его розыске, полученный по каналам срочной связи Интерпола или Генерального секретариата.

Исходя из вышеизложенного, теоретические и практические аспекты задержания разыскиваемых преступников, зависит от знания и умелого использования правовых и прикладных основ тактики их задержания и реализации алгоритма проводимых уголовно-процессуальных действий, криминалистического обеспечения, разработанного плана задержания. Тактика задержания предполагает готовность сил и средств участвующих в задержании правоохранительных органов и должностных лиц, их умении тактически грамотно применять имеющиеся в арсенале приемы тактики задержания, в том числе и вооруженных преступников, реализовать поставленные задачи, организовать эффективное взаимодействие. Для оптимизации применяемой тактики задержания разыскиваемых необходимо учитывать и строго придерживаться предусмотренных уголовно-процессуальным и оперативно-розыскным законодательством норм, а также знать и обладать навыками своевременного, умелого применения тактических приемов задержания, оперативных возможностей правоохранительных органов в реализации данной тактики задержания.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Матчанов А.А. Уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты совершенствования розыска лиц, совершивших преступления: Автореф. дис. ...д-ра юрид. наук (DSc). – Т., 2019. – 65 с.
2. Казанцев Д. А. Задержание в системе криминалистической тактики / Д. А. Казанцев // Сборник материалов криминалистических чтений. – 2011. – № 7. – С. 30–31.
3. Матчанов А.А. Уголовно-процессуальные аспекты розыска лиц совершивших преступления. Монография. – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – 121 с.

4. Бажанов С. В. Учение о розыске (уголовно-процессуальные, криминалистические и оперативно-розыскные аспекты): монография. – М.: Юрлитинформ, 2017. – 168 с.

5. Попков Н. В. Задержание подозреваемого и обвиняемого как вид государственного принуждения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2007. – 24 с.

6. Жабборов З.К. Совершенствование практики применения уголовно-правовых норм, касающихся причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние (На примере деятельности органов внутренних дел): Автореф. дис. ...д-ра философии (PhD). – Т., 2019. – 52 с.

7. Выонг Тханг Лонг Организационные и тактические основы задержания при расследовании преступлений в Социалистической Республике Вьетнам и Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2016. – 23 с.

8. Павлов А. В. Задержание обвиняемого, находящегося в розыске: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2009. – 26 с.

9. Агеев О. А. Криминалистическое обеспечение задержания лиц, подозреваемых в совершении преступлений в сфере экономики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2011. – 19 с.

10. Ткачук Т.А. Научно-техническое обеспечение розыскной деятельности в уголовном процессе России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Владимир, 2011. – 42 с.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада қидирудаги жиноятчиларни ушлаш тактикаси, унинг жиноят учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш ҳамда мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлашга қаратилган криминалистиканинг амалий йўналишлари ва зарур воситаларидан бири сифатидаги аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Жиноят-процессуал тартибининг зарур шартларига ва яширинган жиноятчиларни ушлашнинг криминалистик тактикасига риоя қилинган

ҳолда қидирудни амалга оширувчи органларнинг харакатлари алгоритми белгиланди.

\*\*\*

В статье проведен научный анализ тактики задержания разыскиваемых преступников, его значения, как одного из практических направлений и необходимых средств криминалистики, направленных на обеспечение принципа неотвратимости уголовной ответственности за совершенное преступление и обеспечение общественной безопасности и порядка в стране. Определен алгоритм действий органов осуществляющих розыск посредством соблюдения необходимых условий уголовно-процессуального порядка и криминалистической тактики задержания скрывающихся преступников.

\*\*\*

The article provides a scientific analysis of the tactics of detaining wanted criminals, its significance as one of the practical directions and necessary means of criminology aimed at ensuring the principle of the inevitability of criminal liability for a crime and ensuring public safety and order in the country. An algorithm for the actions of the authorities carrying out the search has been determined by observing the necessary conditions of the criminal procedural order and forensic tactics for detaining hiding criminals.

**Сардор САКИЕВ,**  
***ИИВ Малака ошириши институти кадрлар бўлими катта инспектори, майор***

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатга «халқ хоҳиши-иродасини ифода этадиган орган» деб таъриф берилади. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг муҳтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халқча, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга.*

*Шу маънода, халқимиз давлат хизматидан рози бўлишига ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Янги Ўзбекистоннинг кучли демократик бошқарув тизимидағи ташвиқот ишлари натижаси ўлароқ, давлатимиз кучли тамойиллар асосида қурилгани том маънода изчил, халқчил ва демократик ҳокимият ҳисобланади. Бундай давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий илдизлари бақувват ҳамда мустаҳкам бўлади. Ички ишлар органларини халқчил, профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан бирга ва ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича олиб борилаётган муҳим қўшимча чора-тадбирлар борасидаги асосий, яъни “Инсон қадри учун” тамойилидир.<sup>1</sup> Унга кўра, ички ишлар органлари ходимлари давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ходимларда хизмат вазифаларига ҳалол-пок, вижданан, Ватан ва халқ олдидағи бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон карори // <https://lex.uz/docs/6364837>.

умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз риоя қилиш туйғусини шакллантириш долзарб масалалар сифатида кўзда тутилган. Мана шундай ташвиқотлар натижасида ҳозирда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик кузатилиб келинмоқда.

Бинобарин, сенатор, депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча органлардаги мансабдор шахслар ва ходимлар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммо ва ташвишлари билан қоғозбозликни четга сурган ҳолда, амалда жиддий шуғулланишмоқда. Шаҳар ва туман майдонларида ишловчи ходимларга ўз худудларини доимий назоратда тутишлари шарт қилиб қўйилган бўлиб, ходимлар ўз навбатчилик ёки иш фаолияти жараёнларида, ҳудуддаги фуқаролар билан юзма-юз кўришиб, оиласининг аҳволи, қандай шароитда яшаётганликлари ва бошқа зарур маълумотларни тўплаб, улар юзасидан ташкилий ишларни амалга оширадилар. Халқ доимо замонга қараб ўзгаради, унинг талаблари ҳам ўзгаради. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “*бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги ҳалқимиз ҳам кечаги ҳалқ эмас*”.

Ҳозирда ҳалқ ахборотларнинг очиқлик ва шаффоф эканлигига ишонч ҳосил қилиб келмоқда, сабаби улар турли раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига холисона баҳо бермоқда, камчиликларни эса ошкора танқид қилмоқда, давлат органлари ходимлари билан очиқ мулоқот пайтида ўз муаммоларига ечим топиб келмоқдалар ва бу бизнинг миллий тараққиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга, ҳалқни ҳақиқат билан шакллантирмоқдамиз. “*Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон*”, дея Ҳалқ шоири Эркин Воҳидов эътироф этган.

Ички ишлар орган ходимларининг касбий маданият қоидалари<sup>1</sup>га амал қилишлари доимо давлат органлар ва унинг раҳбарлари томонидан қаттиқ назорат қилинади, ушбу маданият қонунларига фуқаролар билан муомалада бўлиш шартлари тўғрисида ҳам мезонлар киритилган. Шу жумладан, ходимлар қайси лавозимни эгаллашидан қатъий назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутиши, фуқаролар билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 1-илова. 2-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари. // <https://lex.uz/uz/docs/6364837>.

мулоқотда ҳушмуомала, камтар ва босиқ бўлиши, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар ҳеч бир шахс, гурӯҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик, бошқа миллат фуқароларининг анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, турли этник ва ижтимоий гурӯҳ ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш, ўз вазифасини бажараётган даврда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларни ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий ва оммавий ахборот вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, белгиланган тартибда уларнинг ишончли маълумотлар олишига кўмаклашиш; ўз хизматини ҳалқи учун вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш; расмиятчилик, соҳтакорлик ва сунестеъмолчиликка йўл қўймаслик, телефонда фуқаролар билан боғланиш маданиятига риоя этиши зарур ва мажбурийдир.

Очиғини айтганда, қонунларни бузиш ҳолати ходимларда кузатиладиган бўлса, давлат ва орган раҳбарлари томонидан оғир жавобгарликка тортилади. ИИВ хизмат ходимининг мамлакат олдидағи бурчлари жуда масъулиятли ҳисобланиб, ҳар бир ходим буни англаб этиши лозим. Тарихда бизга маълумки, барча давлатларнинг асосини жамият, жамиятни эса фуқаролар ва шахслар ташкил этади, бундан кўриниб турибдики, мамлакатнинг ривожи ҳам унинг фуқароларига боғлик, агар фуқаролар хорликда ва зорликда яшашда давом этса, давлат парокандаликка учрайди, аксинча бўлса, давлатнинг ҳозирги аҳволи юксак ва келажаги порлоқ бўлади.

**Ички ишлар органларида хизмат қилаётган барча ходимлар зиммасига қўйидагилар юклатилади:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор

ва фармойишларига амал қилиши, ИИВнинг норматив хужжатлари талабларини қатъий бажариш;

фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилиши.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда инсон қадри юқори поғоналарда турганлиги учун ҳам, ҳар бир давлат орган ходимлари учун фуқаролар ва шахслар билан ишлаш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинган. Ҳаёт тарзимизда учраб турувчи кўплаб нохуш вазиятлар фақатгина давлат органларининг хатолиги билан содир бўлмайди, давлат интизомларини бузувчи айrim шахслар орган ходимларини хурмат қилишдан очиқасига бош тортишлари кузатилиб туради, бунинг натижасида давлат орган ходимлари ўзининг қадр-кимматини поймол қилмаган ҳолда ўз орган раҳбариятига мурожаат қилиши зарур, сабаби давлат органи ходимларининг ҳам мамлакатимиз ривожида жуда катта ўринлари мавжуд. Шу билан бирга, орган ходимлари доимо ўз вазифаларини тўсиқларсиз амалга ошириш хукуқига эга, чунки уларнинг вазифалари ва фаолиятларини олиб боришлари тўғрисида давлат томонидан расмий қарор қабул қилинган бўлиб, уларнинг вазифаларини бажаришда тўсқинлик қилган фуқаролар давлат томонидан жавобгарликка тортилиши қонунда белгиланган, шунингдек, бу орган ходимининг ҳақ-хукуқларига киради.

Шубҳасиз, ходимнинг фуқаролар билан олиб борадиган муомала маданияти унинг бошлиғи ва раҳбарлари учун ҳам амал қиласди. Ходим хизмат вазифасини бажаришда бевосита ва тўғридан-тўғри раҳбарга бўйсунади. Бошлиқ уларга бириктирилган ходимларга талабчан бўлиши унинг вазифасига юклатилган бўлади, шу жумладан, ходим ўз бошлигини хурмат қилиши, унинг берган топшириқларини сидқидилдан амалга оширмоғи лозим бўлади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 1-илова. 3-боб. Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар. Шахсий архив.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 1-илова. 4-боб. Ички ишлар органларида бошликлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари. Шахсий архив.

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқнинг намунавий қоидалари давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидалари белгиланган. Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган. Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт ва зарурдир:

- 1) қонунийлик;
- 2) *Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиши;*
- 3) *фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;*
- 4) *давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;*
- 5) *адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;*
- 6) *коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиши ва қарши курашии;*
- 7) *хизмат сирини қатъий сақлаш;*
- 8) *мансаб ваколатларини суиистеъмол қиласлик;*
- 9) *манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик назарда тутиласди.*

Орган ходимлари меҳнат фаолияти даврида ва ишдан ташқари вақтда одоб-ахлоқнинг умумий қоидаларига амал қилиши лозим, хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлишлари зарур.<sup>1</sup>

Орган ходимларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларидан тўғри фойдаланиш чора-тадбирлари ҳам ташкиллаштирилган бўлиб, ходимлар ушбу ахборот воситаларида фуқаролар тўғрисидаги ҳар бир

<sup>1</sup> Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-қарорига 1-Илова. 1-боб. Умумий қоидалар. X.C.2022 йил 15 октябрь.

нотўғри сўз учун ўзи жавоб бериши, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ўз лавозимини суиистеъмол қилмаслиги қонун билан белгиланган. Ҳатто, оммавий ахборот воситалари ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳам одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши лозим, қисқа қилиб айтилганда, орган ходими жамики Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан оддий сұхбатда ҳам ўз қадр-қимматини, ҳам фуқаро қадр-қимматини сақлаб қолиши лозим. Оммавий баёнотларда олиб борилаётган сұхбатлар жараёнида орган ходимлари ҳар томонлама изчил жавоб беришлари ва фикр билдиришлари лозим, сабаби, уларнинг ҳар бир сўз ва иборалари давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янглишилиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳам шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилган фуқародан, агар қонун хужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилган бўлса, кечирим сўраши лозим.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда фуқароларга ҳурмат-эътибор йиллар давомида мавжуд бўлган, уларга ҳар томонлама эҳтиром кўрсатиш давлатимизнинг энг эзгу ниятларидан бири десак, адашмаган бўламиз. Ҳатто кўча ободонлаштириш ходимларининг меҳнатларини ардоқлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, ўзларидан паст табақадаги фуқароларни менсимасликдан йироқда бўлиш, фуқароларга айтиладиган ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, сўзлашиш одоблари, ташқи ҳаракатлар, мимикалар одоби ва кийиниш одобларигача риоя этиш давлат орган ходимларига юклатилган талаб ва шартлардир. Давлат орган ходимларининг формаларини назарда тутадиган бўлсанк, улар давлат томонидан қатъиян белгиланган форма ҳисобланади, уларни иш фаолияти жараёнида ходим томонидан кийиб олиниши қонунда белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади ва орган раҳбарияти ва давлатнинг тегишли органлари томонидан назоратга олинади.

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини, шу жумладан, давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак. Ходимнинг ташқи кўриниши меҳнат

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-қарорига 1-Илова. 5-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари. Халқ сўзи. 2022 йил 15 октябрь.

шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим. Шундай қилиб, ходимларнинг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.<sup>1</sup>

Ходимларнинг ҳар томонлама фуқаролар томонидан ҳурматга эга бўлиши ҳам, уларнинг қадр-қиммат ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳимояси ҳам давлат томонидан ва давлатнинг тегишли органлари томонидан изчил инобатга олган ҳолда қатъий назоратга олинади.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳозирда фаолият олиб борувчи Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар, жисмоний ва юридик шахслар билан олиб борадиган муомала маданиятларининг ҳуқуқий ва қонуний асослари, жамоатчилик маданиятига риоя этган ҳолда ўз фаолиятларини олиб бориши тўғрисида қонуний асосларга суюнган ҳолда сўз юритилган.

\*\*\*

В данной статье рассматриваются правовые основы культуры обращения с гражданами, физическими и юридическими лицами сотрудников органов внутренних дел, действующих в настоящее время, и ведения их деятельности в соответствии с общественной культурой, основанной на правовая основа, обсуждаются.

\*\*\*

In this article, the legal basis of the culture of dealings with citizens, individuals and legal entities of the employees of the internal affairs bodies, which are currently operating, and the conduct of their activities in compliance with public culture, based on the legal basis, are discussed.

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-қарорига 1-Илова. 6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари. Шахсий архив.

**Шерзод РАЙИМОВ,**  
**ИИВ Малака оширии институти саф қисми отряд командири**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА “ХИЗМАТНИ ЎТАШ”  
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

*Ички ишлар органлари айни пайтда ўзининг мақсади, вазифа ва функциялари, шунингдек “хизмат ўташ” тартиби билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ажралиб туради.*

Шу билан бирга ички ишлар органларида “хизмат ўташ тартиби”га давлат томонидан олиб борилаётган умумий, шунингдек айнан ички ишлар органлари тизимиға нисбатан индивидуал сиёсат муайян даражада ўз таъсирини кўрсатади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқарувидаги сиёсатини мисол қилиб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришар экан, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”<sup>1</sup> мазмунидаги ёндашувни давлат сиёсатининг бош мезони сифатида белгилаб олди. Буни бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони<sup>1</sup>да ҳам кўриш мумкин. Президентнинг ички ишлар органлари вакиллари билан ўтказган учрашувда ички ишлар органлари тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириш зарурати бўйича тўхталиб, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни ҳам жалб этиш муҳим аҳамиятга эгалигини ва бу борада одамлар ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун авваломбор, ички ишлар органларига, профилактика инспекторларига мурожат қилишига, ҳар бир ходимда ўз химоячисини кўришига эришиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 7 дек.

зарурлиги ва шундагина ички ишлар органлари халқ ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонишини таъкидлаб ўтди<sup>2</sup>.

“Хизматни ўташ” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ушбу тушунча иккита сўз бирикмасидан ташкил топган бўлиб, бири “хизмат”, иккинчиси “ўташ”дир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хизмат” сўзига “иш, лавозим, хизмат кўрсатиш, ёрдам” сингари маъноларни англатиши бўйича изоҳ берилган бўлса, “ўташ” сўзи “ўтамоқ” сўзидан олинган бўлиб, “адо этмоқ, бажармоқ”, шунингдек “бирор вазифа, жазо ва шу кабиларнинг муддатини тугатмоқ” маъноларида изоҳланган. Берилган изоҳларга кўра, “хизматни ўташ” деганда, муайян хизмат кўрсатиш мажбурияти юклатилган шахс (хизматчи) томонидан белгиланган муддат давомида зиммасига юклатилган мажбурият (вазифа)ни бажармоқ тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналиш ва принциплари, ички ишлар органларининг тизими ва ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиши, жисмоний қуч ишлатиш, маҳсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа масалалар билан бир қаторда ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартлари (6-боб) ҳам тартибга солинган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори<sup>4</sup> билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом”нинг 3-бандида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон фармони // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3107036> (мурожаат вақти: 12.10.2023).

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ички ишлар органлари қачон халқ орасида муносиб обрў қозонишини айтди // Электрон манба: <https://asr.uz/15535/> (мурожаат вақти: 12.10.2023).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://www.lex.uz/acts/3027843> (мурожаат вақти: 15.10.2023).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3413-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/3430641> (мурожаат вақти: 12.10.2023).

хизмат ўташнинг доираси белгилаб берилган. Унга кўра, хизматни ўташ қўйидаги тартибларни ўз ичига олади:

- хизматга қабул қилиши;
- маҳсус унвонлар бериши ва улардан маҳрум этиши;
- лавозимга тайинлаши, лавозимдан озод этиши ва ротация;
- ходимларни тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;
- ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўтаси;
- аттестация ўтказиши;
- таътиллар бериши;
- ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиши;
- хизмат ўтаси режисмини таъминлаши;
- хизмат муддатларини узайтириши, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаши назарда тутилади.

“Хизматни ўташ” доирасига киритилган масалаларнинг моҳиятига назар ташланса, уларнинг деярли барчасини негизида ходимнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга ёки ўзгартиришга қаратилган қонуний ҳаракатларни амалга ошириш (қарорлар қабул қилиш) ётади.

Ваҳоланки, юқоридаги хulosага кўра, “хизматни ўташ” деганда, муайян хизмат кўрсатиш мажбурияти юклатилган шахс (хизматчи) томонидан белгиланган муддат давомида зиммасига юклатилган мажбурият (вазифа)ни бажармоқ тушунилади. Шундай экан, айни пайтда норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган “хизматни ўташ” доираси ўзида асосан хизматни ўташни ташкил этиш фаолияти билан боғлиқ бошқарув жараёнларини акс эттиради. Аслида эса “хизматни ўташ” доираси хизматчининг муайян хизматга қабул қилиниши билан юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, яъни хизматчининг хизматни ўташ даври ва ушбу давр мобайнида зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар, вазифа ва функциялар ҳамда ҳуқуқлар, уларни бажариш ва амалда қўллашга доир тартиб ва қоидалар, рағбатлантириш ва интизомий таъсир чораларини қўллаш, хизматни ўташдан четлаштириш каби масалаларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**“Ички ишлар органларида хизматни ўташ”** – бу, белгиланган мезон ва талабларга жавоб берган, ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтиб, ички ишлар органлариға қабул қилинган ходимнинг қонун ҳужжатларида белгиланган давр мобайнида, муайян ҳудуд ёки йўналиши доирасида, ўрнатилган тартиб-қоида ва маъсбуриятларга амал қилиб, берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, тўлиқ адо этиши (бажарии)га йўналтирилган фаолиятдир”.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, “ички ишлар органларида хизматни ўташ” тушунчасидан “Ички ишлар органларида хизматни ўташ фаолиятини ташкил этиш” тушунчаси мазмун жиҳатдан тамомила фарқланади.

Юқорида таъкидланганидек, “Ички ишлар органларида хизматни ўташ фаолиятини ташкил этиш” хизматни ўташни ташкил этиш фаолияти билан боғлиқ бошқарув жараёнларини акс эттиради. Шу боисдан, норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган айни пайтдаги “хизматни ўташ” тушунчаси ва хизматни ўташ доираси мазмун жиҳатдан хизматни ташкил этиш масалаларинигина қамраб олади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуннинг **“ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартлари”** номли 6-бобни **“ички ишлар органларида хизмат ўташ ҳамда хизмат ўташ фаолиятини ташкил этиш тартиби ва шартлари”**<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3413-сон қарори<sup>2</sup> билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом”нинг номланиши эса “Ички ишлар органларида хизмат ўташ фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом” мазмунида ўзгартириш, шунингдек **“ички ишлар органларида хизмат ўташ фаолиятини ташкил этиш”** тушунчасига қуйидаги мазмунда таъриф берилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни // Электрон манба: <https://www.lex.uz/acts/3027843> (мурожат вақти: 15.10.2023).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3413-сон қарори // Электрон манба <https://lex.uz/docs/3430641> (мурожаат вақти: 12.10.2023).

**“Ички ишлар органларида хизмат ўташ фаолиятини ташкил этиш** – бу, ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимнинг ички ишлар органларида ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи, аттестация ўтказиш, таътиллар бериш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат ўташ режимини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш, шунингдек ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш ва назоратини олиб боришга йўналтирилган фаолиятлар йиғиндисидир.

Юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши, *биринчидан*, “хизмат ўташ” ва “хизмат ўташини ташкил этиши” тушунчалари ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро фарқли жиҳатларига, уларнинг чегара доираларига аниқлик киритиш; *иккинчидан*, қонунчилик ҳужжатларидаги “хизмат ўташ” тушунчаси бўйича мавжуд мавҳумликка чек қўйиш ва уни ойдинлаштириш; *учинчидан*, “хизмат ўташ” ва “хизмат ўташини ташкил этиши” билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни имкон қадар батафсил тартибга солиш; *тўртинчидан*, “хизмат ўташ” ва “хизмат ўташини ташкил этиши”нинг мазмуни, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари моҳиятини очиб бериш бўйича могорафик ҳамда диссертацион тадқиқотларни амалга ошириш каби имкониятларни беради.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги нормалари, шунингдек ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида “ички ишлар органларида хизматни ўташ” тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

\*\*\*

В статье разработано авторское определение понятия “Несения службы в органах внутренних дел” на основе изучения и анализа действующего законодательства Республики Узбекистан, норм законодательства иностранных государств, а также мнений ученых-юристов.

\*\*\*

The article develops the author's definition of the concept of “Service in the internal affairs bodies” based on the study and analysis of the current legislation of the Republic of Uzbekistan, the norms of legislation of foreign states, as well as the opinions of legal scholars.



*Tarix*

**Шерзод АЛИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси  
профессори, т.ф.н., подполковник**

**“ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК” ДАЪВАТИНИНГ  
МОҲИЯТИНИ ЧУҚУР АНГЛАБ, ХАЛҚИМИЗ ҲАМДА  
ҲАРБИЙЛАРИМИЗ ДОИМО ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛИШЛАРИ ЗАРУР**

Эл-юртимиз мудҳии уруши йилларида, ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шавқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбек халқи – тинчликсевар халқ. Биз уни қадрлаймиз. Ўзи асло, жаҳонда тинчлик ва омонликнинг қадрига етмаган миллат ҳамда элат борми?

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши қурашда жасорат кўрсатган ватандошларимизни ёд этиб, уларнинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш эзгу қадриятга, ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш маънавиятимизнинг ажralmas бўлагига айланди. Бу жараён абадийликка дахлдор бўлиб, навқирон авлодни бугунги тинч-осойишта ҳайтимизнинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига этиб яшашга, бундай фаровон замонларга шукrona қилишга ундаиди.

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғинбарот бўлган урушда қатнашган 2 миллионга яқин ўзбекистонликларнинг яrim миллиондан зиёди ҳалок бўлган. У туфайли қанчадан-қанча оилалар ўз бокувчисидан ажralди, фарзандлар етим, аёллар бева бўлиб қолди.

Шу боис ҳам тинчлик ва омонлик замонда мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиз эканини ҳеч қачон унутмаймиз. Уларни қанча қадрлаб, тинчлигини сақласак, икки дунёда кам бўлмаймиз. Ҳозирги пайтда турли қарама-қаршиликлар кескинлашиб,

терроризм, экстремизм хавфи кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

“Биз “Ўзбек ҳалқига тинчлик ва омонлик керак”, деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унумасдан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак”, деган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлиланган қабул маросимидағи нутқидан.<sup>1</sup>

### **Нажот берган, паноҳ берган, қуёшли юрт.**

Уруш Ўзбекистондан олисда эди. Лекин унинг мудҳиш кўланкаси, машъум сояси юрт бошида, ҳар бир хонадонда муаллақ турган. Сут тиши чиқмаган гўдакдан тортиб соқоли кўксига тушган оқсоқолгача манфур уруш измида қолди. То юртга манзилга етиб келгунича, фронтда жон таслим қилган жангчи юзидай сарғайиб, униқиб кетган учбурчак “кора хат”лар ҳеч бир уйни четлаб ўтмади. Бир бурда нон учун сарсон-саргардон кезганлар, очликдан силласи қуриб, тиришиб, ияқ қоқканлар, жон таслим қилганларининг ҳисоби қанча эди.

Очарчилик, қаҳатчилик, йўқчилик – юртга бостириб кирган душман бўлди. Унинг йўлини тўсадиган ҳеч ким йўқ эди. Жонлар таслим бўларди унга. “Кора хат” келган уйлардан чиқаётган, юракни титроққа соладиган оху фарёдлар тинмасди. Кўпга келган аза эди бу уруш.

Учқур поездлар Ўзбекистон паноҳига қараб интиларди. Уларда заводлар, фабрикалар, дастгоҳлар қўчиб келарди. Бомба ва снарядлар тинимсиз портлаб турган ҳудудлардан 170 га яқин завод ва фабрикалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди. 1941-1942 йиллар мобайнида кўчирилган саноат корхоналарининг асбоб-ускуналари ортилган 17,5 минг вагон юк ташиб келинди.

*Замин оташда эди. Само оташда эди. Қуёшли заминнинг бағри кенг эди. Шу боис Ўзбекистон очлик ва аламлардан тўкилиб қолган минглаб инсонларга, болаларга нажот қалъаси бўлди. Тошкент нон шаҳри, дея ном қозонган эди. Уруш жабҳаларини ортда қолдириб, Шарққа йўл олган поездларда келаётган инсонларни кутиб олишга, уларга уйининг тўридан*

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 9 май.

жой бериш учун, ризқига шерик қилиш учун чиққан ўзбек халқи Шимол вокзал сақнига сифмай кетарди.

Халқимиз ҳаммани бағрига сиғдиради. Таъма қилмас эди. Фарзандларини фронтга жўнатиб, бир бурда нонини уруш ўчоқларидан келган оч-нахор гўдаклар билан бўлишиди. Нолимади, ёзғирмади. Халқимиз учун миллатининг фарқи йўқ, динининг фарқи йўқ, Олий мақомли инсон бор эди. Кўзлари мўлтираб турган оч-нахор гўдаклар, мунғайиб қолган чехралар, умидсиз нигоҳлар бор эди. Ўзбекистон уларни кучоқ очиб кутиб олди. Бундай меҳрибонликни ҳеч ким ҳеч қаерда кўрмаган эди. Бундай жонфидолик уларнинг тасаввурида йўқ эди. Лекин поезд Тошкент вокзалига етиб келганидан кейин эгасиз одам қолмасди мезбонлар уларни ўз панохига оларди. Ўзбек халқи бисотидаги охирги бурда нонигача урушнинг ажал чангалидан чиқиб келган инсонларга улашди. Ўзи эса машоқ териб, тутқоқи қилиб кун кўрди, болаларини боқди.

*Поездлар қуёшли юртдан қуруқ қайтмасди.* Масалан, 1942 йили республиканинг бир гуруҳ вакиллари Ленинградга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева олиб боргани тарих зарварақларига битилди. Битилмагани қанча! Меҳридарёлик, болажонлик, фазилатлари халқимизнинг жон томири ва қон томирига пайваста экани бу!?

\*\*\*

Машхур миришкор, ЎзФА академиги, ҳаёти давомида минг-минглаб гектар боф ва узумзор яратган Ризамат Мусамухамедов уруш бошланганида 60 ёшда эди. Набирасини урушга кузатган отахон қуритилган меваларни вагонга жойлаб, унинг ортидан жанг майдонига йўл олди. Ўзбекистоннинг ширин-шакар меваларини вагонларга ортиб фронтдаги жангчиларга етказган Хасан ота Исломовнинг ватанпарварлиги эса кейинчалик “Қирқ биринчи йил олмалари” фильмни яратилишига асос бўлди.

### **Меҳридарё инсонлар хотирасига эҳтиром.**

Ўзбекистон Россия, Украина, Беларусь Молдова ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган юз минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган жойлардан эвакуация қилинганларнинг умри сақлаб қолинди.

Уруш қийноқларига маҳкум қилинган эркак-аёл, кексалар ва болалар бошпана, кийим-кечак ва озиқ-овкат билан таъминланди. 200 минг етим болани ўзбек оиласари ўз қарамоғига олди, фарзандларидан кам кўрмасдан, ўкситмай, ранжитмай тарбиялади. Яна мисол келтирамиз. Антонина Хлебушкина 160 ўринга мўлжалланган Болалар уйига уруш ўчоқларидан келтирилган 200 нафар оч-наҳор болани қабул қилиб олди. Уларнинг собиқ тарбияланувчилари тақдир тақозоси билан ўз юртларига тарқалиб кетган бўлса-да, ҳозиргача Тошкентни, Болалар уйининг онажониси Хлебушкинани миннатдорлик билан эслайдилар.

Тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шомаҳмудов турли миллатга мансуб бўлган 14 нафар етим болани фарзандликка олгани бутун дунёга маълум. Бу оиланинг уруш йилларидағи фидойилиги ёзувчи Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романи, “Сен етим эмассан” ва бошқа фильмлар прототипларига айланди. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 13, бухоролик Муаззам Жўраева ва Аширхўжаев 8 нафардан етим болани ўз тарбиясига олганини ҳамма билади. Билмаганларимиз яна қанча!..

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссасини қайд қиласи, юртимизда 1941 йил арафасида Ўзбекистон аҳолиси 6,8 миллион кишидан ортиқ эди. Уруш бошланганидан кейин 2 миллионга яқин ватандошимиз фронтга кетган, шундан 500 мингдан ортиги жанг майдонларида ҳалок бўлган. 200 минг нафардан ортиқ юртдошимиз орден ва медаллар билан тақдирланди. 301 нафар ватандошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 70 нафардан ортиғи учинчи даражали “Шон-шараф” орденига лойиқ кўрилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва фронтга жўнатилган: 2100 та самолёт ва 17340 та авиамотор, 2 млн. дан ортиқ авиабомба, 5 та бронепоезд, 2200 та дала ошхонаси, 1 млн. та граната, 17100 та миномёт, 22 млн.та миналарнинг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси, деб эътироф этиш керак.

Маълумки, тарих саҳифаларига қора харфлар билан ёзилган – Сталин қут қуси билан 1943-1944 йилларда калмиклар, қrim татарлари, чеченлар, ингушлар, немислар, қорачойлар, понтия греклари, месхети турклари, болқорлар каби 20 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат қарийб 3

миллионга яқин киши хоинликда айбланиб, Сибирь ва Марказий Осиё республикалариға мажбуран күчириб юборилди. Шўро тузуми учун таркибида бўлган барча миллатлар ғорат қилиниб умр баҳоси писта пўчоқчалик ҳам қадр топмади. Одамлар тақдири ҳорликда поймол қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида 682 нафар япон асири Ўзбекистонга келтирилди. Улар турли айбловлар билан оғир ишларга жалб этилди, қувғинларга дучор бўлди. Ҳатто вафот этганларни дағн қилмасликкача сиёsat юргизилди. Аммо Ўзбекистонда бу ҳолатга йўл қўйилмади. Японлар дағн этилган қабристонлар сақлаб қолинди.

Япония халқи буни яхши билади. Уларнинг ўзбек халқига меҳрмуҳаббати баланд. Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, ривож топмоқда. Тошкент шаҳрида япон боғининг ташкил этилиши, Японияда Алишер Навоий ҳайкалининг қад кўтариши азалий дўстлик, биродарлик ришталари ҳосиласидир.

Энг қийин даврларда ҳам ота-боболаримиз ўзга миллат вакиллариға бошпана берди, улар билан бир бурда нонини баҳам кўрди. Оғир, синовли дамларда Ўзбекистон улар учун иккинчи Ватан, нажот қўрғони, паноҳи бўлди. Уларнинг авлодлари шу ерда туғилди, ўқиди, камолга етди, обрў-эътибор топди. Бу авлодлар Ўзбекистонни она юртим деб билади, унинг ривожи учун хизмат қилмоқда.

Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруг дунёда улуғ бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг баҳту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт! Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб бугунги баҳтли ҳаётимизга файз бағишлиған аждодлар олдида ҳам барчамиз бош эгамиз, таъзим қиласиз. Яна шу нарса аниқки, уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этган юртимиз ҳам башарият хотирасида абадулабад тарихнинг нурли саҳифаси сифатида қолади. Уруш ўчоқларидан келтирилган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берган Ўзбекистон меҳр-оқибат мамлакати сифатида

эътироф этилди. Бу матонат, бу жасорат бугунги авлодлар учун ҳам ибрат мактабидир.<sup>1</sup>

*Инсон қадри улуғлаганлар юртда аждодлар рухи ҳамиша шод бўлади.* Жорий йилнинг май ойи ўзгаришларга бой бўлди. Унинг дастлабки куниданоқ кучга кирган янгиланган Конституцияда инсон қадри, шаънишавкати улуғлангани мени қанчалик суюнтирган бўлса, шунинг баробарида “*Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини разбатлантириши тўғрисида*”ги Фармон шу қадар тўлқинлантириб юборди. Инсон қонун ва давлат ҳимоясида бўлган ислоҳотларни кўриши насиб этгани халқимизнинг баҳтидир. Баҳт учун энг аввало, тинчлик ва осойишталиқ ҳамда хотиржамлик керак. Бир кун жанжал бўлган хонадондан қирқ кун файзу барака қочади, деб бежиз айтишмаган. Бир майизни қирққа бўлиб еган халқимиз учун тинчлик-хотиржамлик, ҳалол меҳнат, таълим ва тарбия тараққиёт гарови бўлиб келганининг гувоҳимиз.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқимиз. Кимлар босиб келмади юртимизга. Спитамен, Широк, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, сингари аждодларимиз, Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ота-боболаримиз жасорати бизни қанчалик фахрлантирса, Нажмиддин Кубро, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобурлар маънавий жасорати дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшилгани қалбимизни шунчалик ғууррга тўлдиради,

Буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барчасида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади. Тўққизинчи майни Хотира ва Қадрлаш куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.<sup>2</sup>

Ўзбекистоннинг тинчликни асраш сиёсати 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонлашни тақозо этгани тарихий ходисадир. Она халқини янада улуғлаб ушбу байрам сифатида тақвимга киритилишининг ўзи буюк қадриятдир. “Азиз жонларини тинчлик ва озодлик учун фидо этган қаҳрамонлик юртдошларимизни она Ватан ҳеч қачон унутмайди”, деган Ғалаба боғидаги қаҳрамонларнинг

<sup>1</sup> Халқ сўзи 2023 йил 6 май.

<sup>2</sup> Ҳуррият. 2023 йил 5 май.

хотирасига бағишлиңгән монументтада ўз аксини топған. Бу мислсиз, мангуликка йүғрилған миллий ва умумбашарий қадриятдир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 79 йил тұлғапти. Бу бир инсоннинг ўртаса умрига тенг. Ҳар вилоят марказида Хотира майдонлари очилгани ёш авлодға ғурур ва ифтихор бахш этмоқда. Ёшу қарининг, ҳатто аёлларнинг ҳам жаңг майдонидаги жасорати билан бирга Ўзбекистоннинг, жаңг бўлған худудларга фронт ортидан етказган ёрдами ҳам чинакам қаҳрамонликдир. Қирқ беш кунда Фарғона каналининг ишга туширилгани, кўчириб келтирилған фабрика ва заводлардаги ишчиларимизнинг тинимсиз меҳнатида халқимизнинг ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги намоён бўлди.

“Менинг отажоним Абдурашид Мухитдинов, эслайди давлат ва жамоат арбоби, профессор Феруза опа Ленинград қамалида бўлғанлар. Улар бизга урушнинг энг қаттиқ, оғир кунларини сўзлаб берар эдилар. Кўкракларини жанговор орден ва медаллар безаб турарди. Ҳар йили давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарори чиққанида кўзларимга ёш келади, отажоним руҳлари шод бўлди, деб. Невараларимга сўзлаб бераман, расмларини қўрсатаман. Лекин мендай юртдошларим миллионлабдир. Демак, бу Хотира халқимизни янада жипслаштиради ва бирлаштиради. Юртимизга эвакуация қилингандарга кўрсатилған меҳр ва инсонийликнинг чеки йўқ эди. Чунки, бу ҳам бизнинг хонадонимизга тегишли. Бувижоним бир украиналик ёши уч, тўртларда бўлған Валентина Попоченкони (исми ва фамилияси қўлида ёзилған экан) олиб катта қилганлар. Ҳозирда унинг фарзандлари Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани Соктаре қишлоғида яшашади. Шунингдек, яна бир ўғил болани олишган. Уруш йилларида бу болани яратган берди, деб исмини Шукур деб аташган. Шукур Шарапов яхши яшади. 2021 йилда вафот этди”.<sup>1</sup>

Жасорат, матонат, эътибор ва эъзоз ҳар йили 9 майда тантанали байрам қилинсада, йил давомида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилариға алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Биргина мисол: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланған “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонга биноан мамлакатимизда 9 май Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами

<sup>1</sup> ЎзАС. 2023 йил 5 май.

сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш вазифалари белгиланди. Фармонга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 миллион сўм миқдорида бериладиган пул мукофоти байрамона вазиятда топширилди.<sup>1</sup>

“Гулхан” журнали муҳаррири Мухаббат Ҳамидова эслайди: 18 ёшида урушга кетиб қайтмаган Ҳабибулло акаси хотираси учун ўғлига унинг исмини берган, Европанинг ўнлаб шаҳарларидағи юзлаб қардошлиқ қабристонларидан акаси исмини излаб, чарчамаган журнализмизнинг масъул котиби Наримон Орифжоновнинг аламли хотираларини, “*Бир сиқим тупрогини кўзимга суртолмадима*”, деб дунёдан армон билан ўтаётган онасига Братиславадаги 60000 аскар мангу қўним топган қабристондан буёғи хиралашганидан “Шарифжоновми ёки Орифжоновми” лигини аниқлай олмасада шу кабрдан бир сиқим тупрок олиб келиб топширганида фарзанди йўлига илҳак онаси ҳудди Ҳабибулосини кўргандай севингани ҳақидаги хотирасини кўзда ёш билан тинглаганимда мен яна, ўша қаттол урушга рўпара бўлдим гўё. Ва бу инсоният ҳаётидаги энг машъум тарих ҳеч қачон унутилмаслиги кераклигини, у одамларни ҳамиша хушёрликка, тинчликни ҳудди азиз неъмат нон каби асраб-авайлашга чорлаб туришини англадим.”

Орадан салкам саксон йил ўтиб Хотира ва Қадрлаш куни арафасида тинч, осуда хонадонимда келинлар тузаган тўкин дастурхон атрофида умр йўлдошим, фарзанд ва набираларим билан шоду хуррамлиқда, бағри бутунликда нонушта қиласар эканман кўз олдимда шу фаровон, осуда ҳаёт учун жон олиб, жон берган қишлоқдошларим сиймоси бир-бир ўта бошлади. Ажаб улар чехрасида аввалги алам, армонни эмас хушнудлик зохир эди.”

Ҳой яхшилар, Ўзбекистонимиз ўзининг жасур фарзандларини ҳеч қачон унумаслигини, бу муқаддас, озод заминда Инсон хотираси муқаддас, қадри улуғлигини сезганиданdir. Юзлаб ҳамشاҳарларим Хотира майдонига йўл олади. У ердаги хотира китобларидан, эҳтимолки абадиятдан жой олган юртдош, ҳамқишлоқ ботир бобо-момоларимнинг

<sup>1</sup> Хуррият. 2023 йил 10 май.

табаррук исм-шарифларини топиб яна бир карра ўқигим, улар номларини кўзимга суртгим келди.<sup>1</sup>

Эвоҳ! Вақт ҳакам. Қарийб 80-йиллари Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч-осуда ҳаётини ҳимоя қилиш учун жонини фидо қилган ўғлонлар номи ва хотираси халқимиз ёдида умрбод сақланиб қолди. Зотан, эл фидойиларини унутмаслик ва қадрлаш миллатнинг миллатлигини, қаҳрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшаш халқнинг халқлигини кўрсатадиган жиҳат. Бу кейинги авлодлар учун ибрат намунасиdir. Демак, юртимизнинг бугунги тинч-осойишта ҳаёти учун жасорат кўрсатган ватандошларимизни йўқлаш, ҳолида хабар олиш, эъзозлаш олдимиизда турган устувор вазифадир.

Ўзбекистон Республикасида исикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари ҳақида маълумот. 174 нафар 7 май холатига кўра. шундан вилоятлар кесимида: Қорақалпоғистон Республикаси 3 нафар, Хоразм вилояти 5 нафар, Навоий вилояти 9 нафар, Бухоро вилояти 7 нафар, Қашқадарё вилояти 10 нафар, Сурхондарё вилояти 8 нафар, Самарқанд вилояти 10 нафар, Сирдарё вилояти 3 нафар, Жиззах вилояти 6 нафар, Тошкент шаҳри 55 нафар, Тошкент вилояти 26 нафар, Наманган вилояти 7 нафар, Фарғона вилояти 19 нафар, Андижон вилояти 6 нафар.

Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади, аммо тарихий ҳақиқат, тарихий воқеа-ҳодисалар қолаверади. Мана қўз олдимииздаги рақамлар гувоҳ бунга.

Бир мисол келтираман: Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги Шодлик маҳалласида файзли хонадон бор. Бу оила соҳиби, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Зокиров яқинда 100 ёшга тўлди. Отажон билан сұхбатлашсангиз, жасорат ва матонатга йўғрилган ҳаёт йўли ибратга лойиқ эканлигига чин дилдан иқрор бўласиз. Аср билан бўйлашган қаҳрамонимизнинг бирда шодумон, бирда қайғули ҳикоялари ҳар қандай инсонни бир зумда ўзига ром этади, ўйлантириб қўяди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида артиллерия бўлинмаси сафида ҳизмат қилдим, – дея хотирлайди уруш фахрийси. – Жанггоҳларда қанчадан-қанча қуролдошларимизнинг умри бевақт хазон бўлди. Уруш даҳшатлари бир томон бўлса, яқинлар дийдори, юрт соғинчи ундан ҳам

<sup>1</sup> Хуррият, 2023 йил 3 май.

азобли эди. Аммо барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, Ўзбекистонга ёргу юз билан қайтиш насиб этди.

Оилада 10 нафар фарзанд камолга етди. Ҳозирда 50 нафарга яқин набиралар, 100 нафардан зиёд чевара ва эвараларнинг суюкли бобоси бўлган уруш ва меҳнат фронти қаҳрамони дориламон кунлар шукронаси билан яшамоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни байрами арафасида ушбу хонадон ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Куни кечা Фаргона вилояти хокими отахонни йўқлаб, Президентимизнинг уруш қатнашчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшилтириди. 18 миллион сўм пул мукофотини топширди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Бир асрлик умр довонида туриб, шундай кунларга етказганига беҳад шукроналар айтаман, дея сухбатимизни давом эттиради уруш фахрийси. Илоҳим, юртимизда тинч ва осуда ҳаёт бардавом бўлсин. Бугунги ёшлар биз қўрган қийинчиликларни ҳеч қачон кўрмаслиги учун ҳамиша дуодамиз.

Дарҳақиқат, Ватан азиз, муқаддас, уни қадрлаш, янада тарақкий этиши учун садоқат билан тинмай хизмат қилиш керак. Илоҳим, Ер юзида юртимиздагидек тинчлик-фаровонлик, меҳр-муҳабbat ва эзгулик ҳукмон бўлсин. Эртанги янги Ўзбекистонни барпо этишга бўлган катта ишонч дилимизда мустаҳкам бўлади, албатта.

Мухтарам Президентнинг ғамхўрлиги ва тинчлик ҳамда омонлик ҳамиша барқарор бўлиши, яъни “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти Қарорида: 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида қўшимча тўлов (*кейинги ўринларда қўшимча тўлов*) берилади;

1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга бепул етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак хариди учун ҳар йили август ойида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида тўланадиган компенсация (кейинги ўринларда - компенсация) жорий этилади.

Бунда, қўшимча тўлов тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Белгилансинки, компенсация ва қўшимча тўловлар мазкур бандда келтирилган шахсларга, уларнинг пенсиялари ва нафақалари тўланадиган тартибда тўланади, деб қайд қилинди.

Шу боис ҳам муҳтарам Шавкат Миромонович БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида таъкидлагани бежиз эмас: “*Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиши мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур*”. Бу ҳозирги тарихий бурилиш даврида келгуси авлодларга бани башарни яхлит ва бус-бутун қолдириш керакдир.

## РЕЗЮМЕ

Ўзбек халқининг тинчлиги ва омонлиги моҳияти ҳамда ҳарбийларнинг ҳушёрлиги мазкур мақолада ёритиб берилган.

\*\*\*

В данной статье описывается суть мира и безопасности узбекского народа и бдительности военных.

\*\*\*

This article describes the essence of the peace and security of the Uzbek people and the vigilance of the military.

**Музаффар ТОЖИБОЕВ,  
ИИВ Академияси профессори, тарих фанлари доктори, подполковник,  
Сардорбек АБДУЛЛАЕВ,  
ИИВ Академияси доценти, социология фанлари бўйича  
фалсафа доктори**

**ИНСОН ҚАДРИ ЁҲУД ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
СИФАТЛИ ТАЪЛИМ АСОСИ**

*Сайёрамизнинг эртаниги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан**

Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам қўймокда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Янги Ўзбекистонни барпо қилишдаги устувор тамойил инсонга эътибор, унинг манфаатларини таъминлаш, ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлашдир. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида инсон омили турганини маҳаллий ва хорижий эксперталар бирдек эътироф этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2022-йил 20-декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида сўнгти йилларда халқимиз эришган ютуқ ва марраларни санаб ўтар экан, эришилган натижалар инсон омилига қаратилгани, “**Инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала**”<sup>1</sup>, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ

<sup>1</sup> <https://president.uz/oz/lists/view/5774>

этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнлар ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чукур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадри учун”** тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, ижтимоий-иктисодиёт соҳаларни трансформатсия қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгиланиши, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги-халқчил давлат қуриш, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, сифатли таълимтарбия, маънавий ва маърифий соҳалардаги ислоҳотлар, Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш, аҳоли бандлигини ошириш сингари муҳим масалаларни қамраб олган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш,

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш масалари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаммага маълумки, Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиланди. Бу жараён эса бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Давлатимиз раҳбари ҳам “Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва баҳтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

*Таълим сифатини ошириши – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир<sup>1</sup>.*” деб қайта-қайта таъкидлаши бежизга эмас албатта.

Ўзбекистонда жорий йилдан бошлиб илк бор миллий ва тармоқ ихтисослашув тизими, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандарти ва дастурлари жорий этилганлиги бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозори билан таълим соҳаси интегратсиясини таъминлашга хизмат қиласди.

Бироқ, давлатимиз раҳбари раислигига 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселекторида таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидағи ислоҳотларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда камчиликлар йўқ эмаслигини таъкидлаб ўтдилар<sup>2</sup>. Жумладан, мактабгача ва мактаб таълимида эришилган катта ўзгаришлар билан бир қаторда боғча билан мактаб, мактаб билан коллеж ва олийгоҳ ўртасида узвийлик етарли даражада эмаслиги;

маҳалла раиси мактабда тарбия ва давомат масалалари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш билан қизиқмаса, туман ҳокимлари, ёшлар ва

<sup>1</sup> <https://president.uz/oz/lists/view/5774>

<sup>2</sup> Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 2024 yilda ta’lim, sog’liqni saqlash, raqamlashtirish, madaniyat va sport sohalarida amalga oshirilishi lozim bo’lgan ustuvor vazifalar yuzasidan videoselektoridagi nutqi [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz/3770](https://t.me/Press_Secretary_Uz/3770)

ижтимоий масалага масъул ўринбосарлари мактабда маънавият ва спорт тадбирларини ташкил этишга эътиборсизлик;

профессионал таълим учун масъул идоралар кўпайиб кетгани учун тизим ривожланмаётганлиги, иш берувчилар ва техникумлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини;

олий таълимда қамров қескин ошганлиги, соҳага хусусий сектор кириб келганлиги, лекин сифатга етарли эътибор қаратилмаётганлиги;

талабаларнинг мустақил ишлиши учун муҳит барча олийгоҳларда ҳам бирдек намунали ташкил этилмаганлиги;

аксарият коллеж ва техникумлар ҳам, олийгоҳлар ҳам иш берувчилар талаби билан ҳисоблашмаётганлиги;

айримларида дарслик ва адабиётлар этишмаслиги, бори ҳам бугунги талабларга жавоб бермаслигини

илем-фан ва инновацияларга етти йилда 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганлигини, лекин илем-фанда “**харажат – тадқиқот – маҳсулот**” деган формула ишламаётганини қайд этдилар<sup>1</sup>.

Албатта айтилаётган камчиликлар, белгилаб берилаётган чора-тадбирларнинг барчаси инсон қадри ва сифатли таълим учунлигини ҳар бир давлат хизматчиси юрак-юрақдан ҳис қилиши ва вижданан ишлиши зарур эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёв таъбири билан айтганда: **“Бугунги раҳбар хато қилишга ҳаққи йўқ<sup>1</sup>”**.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида “2024-йил Ёшлилар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили” деб эълон қилинди. Бу ҳам бежизга эмас албатта, янги йилнинг бундай деб номланиши барча соҳаларда ҳам фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-куватлаш, уларга яратилаётган кенг имкониятлар дебочаси десак, муболага бўлмайди. Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамизdir.

---

<sup>1</sup> Prezident SHavkat Mirziyoev raisligida 2024 yilda ta’lim, sog‘liqni saqlash, raqamlashtirish, madaniyat va sport sohalarida amalga oshirilishi lozim bo‘lgan ustuvor vazifalar yuzasidan videoelektoridagi nutqi [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz/3770](https://t.me/Press_Secretary_Uz/3770)

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуг мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижаатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбай билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, ИТ-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар бандлигига кўмаклашиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, муносиб даромад олиши учун зарур шароитлар яратиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бугун ҳаётимизнинг қайси соҳа ва тармоғини олмайлик, уларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилигини кўрамиз. Хусусан, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, кам таъминланган оиласаларнинг фарзандлари, чин етим ва ногиронлиги бўлган ёшларга манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим яратилди.

Келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизими – “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2023 йил бошидан буён ушбу дафтарга кириш учун 360 436 та онлайн мурожаат келиб тушган. Шундан ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 340-440 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 243 591 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди<sup>2</sup>.

2021 йилда эса “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> <https://kun.uz/uz/news/2018/07/31/>.

<sup>2</sup> <https://parliament.gov.uz/articles/1775>.

<sup>3</sup> <https://yuz.uz/uz/news/yoshlarni-har-tomonlama-qollab-quvvatlash-va-ularning-ijtimoiy-faolligini-yanada-oshirishga-oid-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida>.

Хўш, бу ёрдам нималардан иборат бўлди? Ўтган даврда ёшларнинг бандлиги таъминлаш, даромадини ошириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?

Биринчидан, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 14 187 нафар ёшларга 36,2 млрд сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари ажратилиб, ўз ҳудудларида доимий иш билан таъминланди.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 40 мингдан ортиқ ёшларга 107,4 млрд сўм миқдорда тўлов-шартнома харажатлари қоплаб берилиб, таълимни давом эттириш имконияти яратилди.

Учинчидан, даволанишга эҳтиёжи мавжуд 26 519 нафар ёшларга хориж ва юртимиздаги шифохоналарда даволанишлари ва зарурий доридармонлари хариди учун 26,2 млрд сўм сарфланди.

Шунингдек, кам таъминланган, ногирон ва оғир ҳаётий вазиятдаги 18 838 нафар ёшларга 22,8 млрд сўм миқдорда зарурий молиявий кўмак кўрсатилди ва қарийиб 19 минг нафар ёшларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига эришилди.

Замонавий касбларни эгаллашга ҳамда хорижий тилларни ўрганишга қизиқувчи 3 024 нафар ёшларга 12,3 млрд сўм ажратилди. Улар “Веб-дастурлаш”, “Дизайн”, “Моделинг”, “Веб иловалар яратувчиси” каби касбларга ўқитилди.

Иқтидори, салоҳияти юқори 1 509 нафар ёшларга 1,5 млрд сўм ажратилиб, уларнинг маҳаллий ва халқаро даражадаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда иштироки таъминланди. Уй-жойга эҳтиёжи бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 746 нафар ёш оиласига 1,5 млрд сўм миқдорда 1 йиллик турар-жой ижара харажатлари қоплаб берилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида танлов ва тадбирларни маҳалла-сектор-туман-ҳудуд даражасида ташкил этиш учун 41,1 млрд сўм ажратилиб, лойихалар доирасида 5,5 млн нафар ёшлар қамраб олинди. Туман, шаҳарлардаги кутубхоналарнинг китоб фондини бойитиш ва спорт майдончаларига янги замонавий жиҳозлар ажратиш учун эса 2,9 млрд сўм йўналтирилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> <https://parliament.gov.uz/articles/1775>

Ёшларни ардоқлаган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, орзуистакларини рўёбга чиқаришига кўмаклашган юрт қудратли бўлади. Ўтган қисқа даврда йигит-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қулай шартшароитлар яратиш, уларнинг муносиб даромад олиши, ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун ўз натижасини бераётганини ҳаммамиз кўриб, сезиб турибмиз.

*Хуоса ўрнида айтганда*, давлатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси ҳисобланмиш ёшларга давлат тарафидан бўлаётган эътибор жорий йил янги босқичга кўтарилиши, уларни илмли қилиш, бандлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, албатта ҳамма-ҳаммаси ёшларни қўллаб-қувватлаш ва инсон қадри учун амалга оширилаётганлигини ҳаммамиз ҳис қилиб келмоқдамиз. Бош Қомусимизнинг 79-моддасида ҳам “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳукуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.<sup>1</sup>” деган норма орқали буни яна бир исботини кўришимиз мумкин.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон қадри ва бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар, ёшлар ўртасидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари қай тартибда хал қилиниши, шунингдек, Президентнинг ёшлар сиёсати энг муҳим эканлиги – уларнинг ахлоқи, шарт-шароити ва замонавий руҳда тарбиялаш каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

<sup>1</sup> “O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi” yangi taxrir 30.04.2023 yil

\*\*\*

В данной статье речь идет о человеческих ценностях, о созданных условиях, проблемах между молодежью и путях их решения проблемы, а также наиболее важные вопросы молодежной политики Президента и наиболее чувствительные аспекты их воспитания в Республике Узбекистан

\*\*\*

This article is about human value in the Republic of Uzbekistan and the attention given to youth by our state today, the conditions created, the problems between young people and how they should be solved, as well as the fact that the president's youth policy is the most important issue, their morals, conditions and issues such as education in a modern spirit are touched upon.



• Янги руқн

## АТАМАЛАР БУРЧАГИ

Ҳозирги кунга келиб энг долзарб маъмурий-бошқариш ва ижтимоий-сиёсий атамалар қўйидаги шаклларда тасдиқланди ҳамда шундай қўллаш тавсия этилди. Бу атамалардан баъзиларини мисол келтирамиз:

аборт, мед – исқот  
адъютант – надим  
апельсин – пўртахол  
арсенал – аслаҳаона  
архив – муҳофизхона  
астролог – мунажжим  
астрология – мунажжимлик  
астролябия – устурлоб  
блокада – муҳосара, қўршов  
буфет – емакхона, таомнома  
бухгалтер – муҳосиб, ҳисобчи  
бюстгалтер – сийнабанд  
дотация – имдод  
егерь – ўрмонбон  
журнал – мужалла  
зона – минтақа  
инстанция – мақом  
интервенция – мудоҳала  
интервью – мусоҳаба  
интибоҳ – огоҳлантириш  
интонация – оҳанг  
интуиция – илқо  
катар, мед: – назла  
кафедра – 1. шўъба, бўлим, 1. минбар  
квартал – маҳалла  
кофе – қаҳва  
кризис – бухрон  
лаборант – азмойишкор

лаборатория – азмойишгоҳ  
лагерь, ҳарб. – ордugoҳ  
лицензия – имтиёзнома  
ломбард – омонатхона  
манифест – эълоннома  
матрица, полигр – қолип  
матч – мусобақа  
метафора – истиора, мажоз  
метеорит – само тош  
метанимия – кўчим  
министр – вазир  
министрлик – вазирлик  
инспектор – мубошир  
музей – муzaхона  
параллел – мувозий  
плаш – ёмғирпуш  
поллюция – эқтимол  
проспект – шоқ куча, шоқроқ  
район – депара, туман  
рассом – мусаввир  
студент – талаба  
студентка – толиба  
статус – мақом  
текст – матн  
тексолог – матншунос  
текстология – матншунослиқ  
теология – илоҳиёт  
термин – атама, истилоқ  
терминология – атамашунослиқ, терминшунослиқ, истилоқат  
территория – қудуд  
участка – томорқа  
филолог – суханшунос  
филология – суханшунослиқ  
формалист – зоқирпараст

характер – феъл-автор

## МУНДАРИЖА

<b>Бош мухаррир минбари .....</b>	<b>.3</b>
-----------------------------------	-----------

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

<b>Пўлат БОБОЖНОВ.</b> Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик.....	11
<b>Олимжон АҲМЕДОВ.</b> Билимли ва малакали кадрлар – стратегик ҳаракатлар бунёдкори.....	20

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

<b>Карим НОРМАТОВ.</b> Тарихий ноёб шеър – боқийдир, боқий!.....	28
<b>Фарҳод ХОТАМОВ.</b> Amir Temur saltanatida qonun ustuvorligi – insonparvarlik tamoyillarining asosi.....	32
<b>Олимжон СУБАНОВ.</b> Оиладаги зўравонликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ва ўзига хос жихатлари.....	38
<b>Рустам ДЖУРАБАЕВ.</b> Некоторые значение тактики задержания розыскиваемых преступников.....	44
<b>Сардор САКИЕВ.</b> Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала маданиятининг ҳуқуқий асослари.....	51
<b>Шерзод РАЙИМОВ.</b> Ички ишлар органларида “хизматни ўташ” тушунчаси ва моҳияти таҳлили.....	58

## ТАРИХ

<b>Шерзод АЛИМОВ.</b> “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” даъватининг моҳиятини чуқур англаб, халқимиз ҳамда ҳарбийларимиз доимо хушёр ва огоҳ бўлишлари зарур.....	64
<b>Muzaffar ТОЈЛОВОYEV., Sardorbek ABDULLAYEV.</b> Inson qadri yohud yoshlarni qo'llab-quvvatlash sifatli ta'lim asosi.....	75

## ЯНГИ РУКН

<b>Атамалар бурчаги.....</b>	<b>83</b>
------------------------------	-----------

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий  
ва сиёсий-хукукий журнал

№ 1/2024

Босишга рухсат этилди. 23.03. 2024. Буюртма №  
Коғоз бичими 60x84<sup>1/32</sup>. Шартли б. т.-5,75. Адади 100 нусхада.  
100170, Тошкент ш.